

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 341.5(5751)

БЕРДИЕВ ЖЎРАБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг
ҳуқуқий мақоми**

5А240103 – Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи;
фуқаролик процессуал ҳуқуқи; халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: **В.Ё. Эргашев**
юридик фанлар номзоди

Тошкент – 2014 йил

М у н д а р и ж а

КИРИШ	3
I БОБ. ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ САВДО ВАКОЛАТХОНАСИГА УМУМИЙ ТАВСИФ	10
1.1 Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари	10
1.2 Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси фаолиятининг мақсад ва вазифалари	18
1.3 Ташқи савдо-иқтисодий муносабатлар тизимида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси.....	24
I боб бўйича хулоса.....	31
II БОБ. ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ САВДО ВАКОЛАТХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ	33
2.1 Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарини ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари.....	33
2.2 Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари	42
II боб бўйича хулоса.....	53
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ САВДО ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	55
3.1 Хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахсларининг алоҳида таркибий бўлинмаларини ташкил этиш масалалари	55
3.2 Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини такомиллаштириш масалалари	66
III боб бўйича хулоса	75
ХУЛОСА	77
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	79

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда бозор иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиши, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти ва савдо алоқаларига фаол интеграциялашуви жараёнлари кучаяётган ҳозирги шароитда ташқи савдо фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи институтлар ҳам ривожланмоқда.

Бугунги кунда халқаро савдо алоқаларида савдо вакиллиги ва воситачилиги каби ҳуқуқий институтлар кенг тарқалган бўлиб, у айти пайтда аксарият хорижий мамлакатларда ҳуқуқий тартибга солиш механизмини яратиш ва уни мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги қуйидаги фикрларини ҳам этироф этиш лозим: “Товар ресурсларини тақсимлашнинг биржа тизимини вужудга келтириш кўплаб тадбиркорлик бўғинлари – брокерлик ва дилерлик ташкилотлари, савдо уйлари, воситачи фирмаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Иқтисодиётдаги илгари батамом давлат тақсимот органлари томонидан эгаллаб келинган жойлар янги туғилаётган бозор муҳитининг вакиллари билан тўла бошлади. Бу товар ресурсларини тақсимлайдиган собиқ воситаларни янги механизм билан алмаштириш сари ташланган қатъий қадам эди”¹.

Таъкидлаш жоизки, миллий юридик фан ва амалиётимизда ташқи савдо фаолияти соҳасида вакиллик ва воситачилик тушунчалари ўртасидаги фарқ аниқ белгиланмаган. Шу туфайли савдо ваколатхонаси деганда аксарият ҳолларда савдо воситачилари тушунилади, холбуки улар ўртасида муайян фарқ мавжуд. Диссертация ишида мазкур масалага ойдинлик киритиш каби долзарб вазифа ҳам ўрин олган.

Миллий қонунчилигимизда юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми етарли даражада тартибга солинган, шунингдек фанда ҳам анча кенг

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. 476.

тадқиқотлар олиб борилган, бироқ юридик шахсларнинг, шунингдек чет эл юридик шахсларининг алоҳида таркибий бўлинмалари сифатида филиаллар ва ваколатхоналарнинг ҳуқуқий мақомини ўрганиш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига етарли даражада эътибор берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотига кўра бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 730 тадан ортиқ турли хил хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган, улардан 500 тадан ортиғи айнан савдо фаолияти соҳасида фаолият кўрсатади. Ушбу ҳолат ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақомини белгилаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалаларнинг долзарблигини белгилайди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат юридик шахслари ваколатхоналари, шу жумладан савдо ваколатхоналари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжаталарида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низомда белгиланган қоидаларда, ҳозирда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг талаблари нуқтаи назаридан муайян камчиликлар мавжуд. Хусусан, унда белгиланган айрим қоидалар ўта умумий хусусиятга эга, шунингдек айрим масалалар тартибга солинмаган ҳамда айрим қоидаларни замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштириш лозим.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, мазкур диссертация мавзусини танлаш ҳамда унинг магистрлик даражасида ўрганишга тўла мос келишини ва долзарблигини белгилаб беради деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишининг объектини чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақомини белгилаш

ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот ишининг претмети чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги миллий ва хорижий назарий юридик манбалар, амалиёт материаллари ҳамда қонунчилик ҳужжатларидан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Илмий тадқиқотнинг мақсади чет эл юридик шахслари томонидан Ўзбекистон Республикасида савдо фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бўлган асосий назарий ва амалий муаммоларни тадқиқ этиш, шунингдек мазкур соҳадаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини такомиллаштириш йўлларини таклиф қилиш ва асослашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги тадқиқот вазифалари қўйилган:

1. Хорижий юридик шахснинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида ваколатхонанинг ҳуқуқий мақомини таҳлил қилиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича унинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш;

2. Чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонаси тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгиларини аниқлаш ҳамда улар фаолиятининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш;

3. Чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналарини ва улар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий масалаларини ўрганиш;

4. Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган, қонунчиликда назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни аниқлаш;

5. Хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий-ҳуқуқий таққослаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида мавжуд бўлган чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг фаолиятини

тартибга солишнинг ҳуқуқий муаммоларини аниқлаш ва уни такомиллаштириш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотчининг эътирофига кўра:

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ташқи савдо-иқтисодий фаолиятда хорижий юридик шахснинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида иштирок этади;

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайди;

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари мазмуни савдо ваколатхоналарининг юридик шахс манфаатларини ифодалаш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадини рўйга чиқаришга қаратилади;

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ваколатли давлат органида аккредитация қилингандан кейин ташкил этилган ҳисобланади.

Тадқиқотчининг фикрига кўра:

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ташқи савдо-иқтисодий муносабатларда хорижий юридик шахс номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилганлиги туфайли ташқи савдо-иқтисодий фаолиятнинг тўлақонли субъекти ҳисобланмайди;

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари тижорат хусусиятига эга бўлган консалтинг хизматлари кўрсатиши мумкин ва бунда у фойда солиғи тўловчиси сифатида топилиши лозим;

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, реклама фаолиятини амалга ошириш, бизнес форум ва кўрғазмаларда қатнашиш, янги ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш ҳамда улар билан алоқалар ўрнатиш ва бошқа шу каби вазифаларни бажаради;

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарини аккредитация қилиш ва улар фаолиятини тартибга солиш масалаларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш лозим.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур тадқиқот мавзуси кўпроқ амалий хусусиятга эга эканлиги, шунингдек мамлакатимизда нисбатан янги ҳуқуқ соҳаси бўлган халқаро савдо ҳуқуқининг институти сифатида намоён бўлиши туфайли илмий-назарий жиҳатдан деярли ўрганилмаган.

Шундай бўлса-да, айрим миллий тадқиқотчиларнинг асарларида ушбу тадқиқот мавзусига нисбатан яқин назарий қарашлар илгари сурилган. Жумладан, юридик фанлари доктори, профессор С.С. Гулямов ўзининг “Халқаро савдо ҳуқуқи” дарслигида халқаро савдо муомаласи субъектларининг тавсифи, халқаро савдода воситачилик муносабатларининг тартибга солиниши масалаларини баён қилган².

Академик, юридик фанлари доктори, профессор Ҳ. Р. Раҳмонкуловнинг умумий таҳрири остида чоп этилган “Халқаро хусусий ҳуқуқ” дарслигида чет эл юридик шахсларининг ҳуқуқий ҳолатига оид умумий қоидалар ва коллизия нормалар тасвирланган³.

Қайд қилиш лозимки, бир қатор хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан мазкур мавзу доирасида муайян тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, И.Н. Галушина, А.А. Кузьмишин, В.Ф. Попондопуло, О.Н. Садиқов, С.А. Степанов, Е.Я. Токар⁴ларнинг асарларида ваколатхона институти ва савдо вакиллигига оид ҳуқуқий муаммолар ўрганилган.

² Гулямов С.С. “Халқаро савдо ҳуқуқи”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 327 бет.

³ “Халқаро хусусий ҳуқуқ”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. // Ҳ.Р.Раҳмонкулов умумий таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 488 бет.

⁴ **Галушина И.Н.** Посредничество в гражданском и торговом законодательстве Франции и Германии // Закон. - 2005. - №2, с.122-124. - С. 2005; **А.А. Кузьмишин.** Основания возникновения представительства и полномочия в гражданском праве // Юрист. - 2000. - №10. - С. 7-13; **Попондопуло В.Ф.** Торговое право: предмет регулирования, место в системе права // Актуальные проблемы науки и практики коммерческого права. Волтерс Клувер – 2007.; **Садиқов О.Н.** Гражданское право России. Общая часть: Курс лекций.// Юрист; **Степанов С.А.** Часть предприятия как объект гражданских прав // Издательский дом «Экономическая газета». ЭЖ-Юрист, 1999. №52; **Токар Е.** Представительство и управляющая компания. М.: - Юрист. 2008г. ст.19-21.

М.П. Бардина, А.И. Муранов, А.В. Мыскин, Д.А. Сумской, А.М. Эрделевский, З.Э. Тигиев, А.А. Тюкавкин-Плотников⁵ ларнинг асарларида юридик шахснинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида ваколатхона, шунингдек давлат органлари томонидан ташкил этиладиган савдо ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақомига оид айрим масалалар тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқот ишида индукция, дедуция, анализ, синтез каби умумназарий методлар билан бирга, формал юридик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, тизимли таҳлил, амалдаги қонунчиликни илмий таҳлил қилиш ҳамда ҳуқуқий моделлаштириш каби илмий методлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида олинган назарий хулосалар Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари шунингдек, хорижий тижорат юридик шахсларининг алоҳида таркибий бўлинмалари ҳуқуқий институтининг ўрганилганлик даражасини оширади ҳамда ташқи савдо фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги истиқболда амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида олинган аниқ хулосалар ва таклифлар келгусида Ўзбекистон Республикасида хорижий тижорат юридик шахсларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари, шунингдек савдо ваколатхоналари фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек янги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

⁵ **Бардина М.П.** Публично-правовой аспект внешнеэкономических контрактов // Право и международные экономические отношения. М.- Юрист 2005г.; **Муранов А.И.** Внешняя торговля юридическими услугами в Российской Федерации // Закон. - 2008, № 4. -С. 41-64.; **Мыскин А.В.** Гражданско-правовой статус представительств юридических лиц. // Нотариус. 2010. №1. С. 18-20.; **Сумской Д.А.** Гражданско-правовое положение органа юридического лица: Монография. - М., 2007. - С. 49 – 64.; **Эрделевский А.М.** Гражданско-правовой статус филиалов и представительств // СПС "Консультант Плюс"; **Тигиев З.Э.** "Правовое положение торгового представительства по законодательству Российской Федерации". Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М.: 2012.; **Тюкавкин-Плотников А.А.** Обособленные подразделения юридического лица // Предпринимательское право, № 2, 2007.

Шунингдек, олий юридик ўқув юртларида халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро савдо ҳуқуқи фанлари бўйича ўқитиладиган мавзулар доирасида маъруза ва семинар машғулотларида қўшимча адабиёт сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, халқаро савдо ҳуқуқининг институти сифатида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақомини белгилашга оид ҳуқуқий масалалар магистрлик даражасида деярли ўрганилмаган бўлиб, тадқиқот натижасида ушбу мавзуга оид янги тушунчалар, илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга, диссертация ишининг илмий янгилик негизида қуйидагилар ётади:

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси тушунчаси ва унинг ҳуқуқий белгиларига аниқлик киритилади;

- чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари, уларнинг ташқи савдо-иқтисодий фаолиятда иштирок этиш масалалари доираси ўрганилади;

- миллий қонунчиликка кўра чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарини аккредитация қилиш ва улар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади;

- Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ҳамда хорижий тижорат юридик шахсларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари фаолиятини тартибга солишни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари аниқланади.

Диссертация ишининг тузилиши. Диссертация ишининг таркиби ва унинг ҳажми танланган мавзу ва унда қўйилган масалалар кўлаמידан келиб чиқиб: кириш, 7 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 76 бетдан иборат бўлиб, унда мавзуга оид 60 га яқин адабиётдан фойдаланилган.

I БОБ. ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ САВДО ВАКОЛАТХОНАСИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

1.1 Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.

Таъкидлаш жоизки, савдо ваколатхонаси тушунчаси яхлит ҳолда соф юридик категория эмас, балки аралаш, яъни иқтисодий-юридик категориядир. Савдо ваколатхонасининг ҳуқуқий моҳиятини тўлиқ англаш учун “савдо” ва “ваколатхона” атамаларини алоҳида таҳлил қилишни лозим деб ҳисоблаймиз. “Савдо” иқтисодий категория ҳисобланиб, товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси билан боғлиқ бўлган фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир. Амалдаги қонунчилигимизда савдо тушунчасига умумий легал таъриф берилмаган фақатгина савдонинг тури сифатида улгуржи ва чакана савдо тушунчаларига таъриф берилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон Қарори билан тасдиқланган “Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом⁶ 1-бандида **улгуржи савдо** – тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш; **чакана савдо** – савдо соҳасида яқуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш деб таърифланади.

Хорижий адабиётларда таклиф этилган таърифларда ҳам савдо тушунчасининг асосан иқтисодий атама сифатида намоён бўлишини кўриш мумкин. Хусусан, савдо – халқ хўжалигининг товарларни олди-сотди қилиш орқали реализация қиладиган соҳасидир. У икки турга бўлинади: ички (улгуржи ва чакана) ва ташқи савдо⁷.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2002 й., N 11, 71-модда.

⁷ Britannica. Большой энциклопедический словарь. Издательство: АСТ, Астрель. 2009.

Савдо – (инглизча “trade”) товарларни улар ишлаб чиқариладиган соҳадан улар истеъмол қилинадиган соҳага йўналтиришни таъминлайдиган фаолият туридир⁸.

Савдо – (инглизча “trade”, немисча “Handel”) ўзи ишлаб чиқарган, шунингдек қайта сотиш мақсадида олган товарларни бозорда сотиш ҳисобланади. Савдонинг моҳияти ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига олди-сотди орқали етказиб берилишида намоён бўлади⁹.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қайд этиш мумкинки, савдо – ўзи ишлаб чиқарган ёки ишлаб чиқарувчидан олган товарлар, шунингдек иш ва хизматларни реализация (олди-сотди) қилишдан иборат бўлган, иқтисодий фойда олишга қаратилган, қонунда белгиланган тартибда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидир.

Ваколатхона тушунчаси соф юридик атама сифатида миллий қонунчилигимизда, шунингдек доктринал манбаларда етарлича таърифланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси¹⁰ 47-моддаси 2-қисмига мувофиқ ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

Юридик шахслар ўз таркибида бундай алоҳида таркибий бўлинмаларни ташкил этиши унинг муайян мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариши талабидан келиб чиқади. Амалдаги фуқаролик қонунчилигида юридик шахслар таркибий бўлинмаларининг асосий икки кўриниши назарда тутилган: филиал ва ваколатхона.

Ваколатхонанинг ҳуқуқий тайинланишини қуйидаги хорижий муаллифларнинг фикрлари билан ҳам асослаш мумкин. Жумладан, юридик фанлари доктори, профессор Д.А.Сумской “юридик шахснинг муҳим белгиларидан бири унинг *ташкилий бирлигидир*. Ташкилий бирлик юридик

⁸ Cambridge Business English Dictionary. “Cambridge University Press”, 2011.

⁹ Robert L. Barker. The Social Work Dictionary. National Association of Social Workers, NASW Press, 2003.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

шахснинг ички таркибий тузилишини ифода этиб, у юридик шахснинг таркибида унинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида муайян орган ва таркибий бўлинмалар мавжуд бўлишини назарда тутди” дея таъкидлайди¹¹.

Юридик фанлари номзоди, доцент О.А. Беляева қарашларига кўра, “юридик шахс ўзи турган ердан ташқарида доимий ёки мунтазам равишда маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга эҳтиёж сезиши мумкин. Айнан шу мақсадда у бошқа жойда алоҳида бўлинма ташкил этишга ҳақлидир”¹².

Ўзбекистон Республикаси ФК 47-моддасида ваколатхонанинг қуйидаги ташқи белгилари қайд этилган:

- юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашганлиги;
- юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинма ҳисобланиши.

Таъкидлаш лозимки, юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашганлик чегарасини аниқлаш, аввало, юридик шахснинг турган жойини аниқлашни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 46-моддаси 3-қисми талабига мувофиқ бу масала диспозитив норма билан тартибга солинган. Унга кўра юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади.

Шу билан бирга бу борада хорижий муаллифларнинг қуйидаги назарий қарашлари ҳам мавжуд. Жумладан, А.М.Эрделевскийнинг фикрига кўра юридик шахснинг жойлашган жойи унинг почта манзили ҳисобланади. Шунинг учун юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси ҳамда доимий фаолият кўрсатувчи органининг почта манзиллари алоҳида бўлса, мазкур юридик

¹¹ Сумской Д.А. Гражданско-правовое положение органа юридического лица: Монография. - М., 2007. - С. 49 - 64.

¹² Беляева О.А. Предпринимательское право: Учебное пособие. 2-е изд., М.: КОНТРАКТ, ИНФРА-М, 2009.

шахснинг алоҳида бўлинмаси филиал ёки ваколатхонанинг формал белгиларига эга бўлади¹³.

А.А.Тюкавкин-Плотниковнинг бу борадаги қарашлари фуқаролик қонунчилигимизда ўрнатилган норма талабига мувофиқ келади, яъни “юридик шахснинг жойлашган жойи” тушунчаси остида қонун чиқарувчи юридик шахсни рўйхатдан ўтказувчи тегишли давлат органи жойлашган ҳудудни назарда тутаяди, шунинг учун юридик шахс ўзи рўйхатга олинган давлат органидан бошқа ҳудуддаги рўйхатга олувчи органда рўйхатга олинган юридик шахснинг тузилмаси алоҳида бўлинма ҳисобланади¹⁴.

Ушбу масаланинг амалий аҳамияти шундаки, алоҳида бўлинма юридик шахс турган ердан ташқарида жойлашган деб ҳисобланиши учун юридик шахснинг ўзидан қанчалик (вилоят, туман, шаҳар ёки хорижий мамлакат) масофада туриши лозим. Чунончи, агар почта манзили юридик шахс жойлашган манзил ҳисобланса, унда қўшни бинода жойлашган юридик шахснинг офисини ҳам алоҳида бўлинма сифатида эътироф этиш лозим бўлади ёки юридик шахс ўзи жойлашган шаҳарнинг муайян маъмурий бирлигида филиал ёки ваколатхона ташкил этиши қандай асосланиши лозим.

Шундай экан, биз ваколатхонанинг “юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашганлик” белгиси, ҳар қандай ҳудудий чегарани эмас, балки фақат бош юридик шахс манфаатларини ифода этиш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳудудий чегарани назарда тутаяди деб ҳисоблаймиз. Ўз навбатида чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари хорижий мамлакат ҳудудида мазкур юридик шахснинг манфаатларини ифода этади ва уларни ҳимоя қилади. Бунда хорижий мамлакат ҳудуди ҳақиқий маънода юридик шахс жойлашган мамлакат ҳудудидан ташқаридаги, ўз манфаатлари ифода этиладиган ва ҳимоя қилинадиган ҳудудий чегарани билдиради.

¹³ Эрделевский А.М. Гражданско-правовой статус филиалов и представительств // СПС "Консультант Плюс".

¹⁴ Тюкавкин-Плотников А.А. Обособленные подразделения юридического лица // Предпринимательское право, № 2, 2007.

Юридик фанлари номзоди, доцент О.А. Беляева ваколатхонанинг юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган алоҳида таркибий бўлинма сифатидаги хусусиятини ҳамда унинг филиалдан фарқини қуйидагича ёритади: “Филиал юридик шахснинг барча функцияларини ёки уларнинг бир қисмини бажариш билан биргаликда вакиллик функцияларини ҳам амалга ошириши мумкин. Ваколатхона эса юридик шахснинг ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошира олмайди, у фақат юридик шахснинг манфаатларини ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади. Бу маҳсулотларни реклама қилиш, потенциал харидорларни излаш ва улар билан алоқалар ўрнатиш, маркетинг фаолиятини амалга ошириш, турли хил давлат орган ва ташкилотларида, шунингдек судларда юридик шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда юридик шахс қатнашаётган шартномаларни бажарилишига қўмаклашиш каби ҳаракатларни амалга оширишда намоён бўлади”¹⁵.

Шу тариқа ваколатхона юридик шахснинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида унинг манфаатларини ифода этиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида асосан амалий-ташкилий ҳамда юридик хусусиятдаги ҳаракатларни амалга оширади, бироқ юридик шахснинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошира олмайди. Ваколатхона филиалдан айнан мазкур хусусияти билан фарқ қилади.

Чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги савдо ваколатхоналарининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги низом¹⁶ билан тартибга солади. Таъкидлаш жоизки, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда савдо ваколатхонаси тушунчаси гарчанд қайд

¹⁵ Беляева О.А. Предпринимательское право: Учебное пособие. 2-е изд., М.: КОНТРАКТ, ИНФРА-М, 2009. ст. 24.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 8-сон, 127-модда.

этилган бўлса-да, унга таъриф берилмаган. Бироқ, шу соҳада ўхшаш норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 22 ноябрдаги 26/6-сонли Қарори¹⁷ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1 бўлимида мазкур соҳадаги асосий тушунчаларга таъриф берилган. Жумладан, *хорижий давлатнинг банки, хорижий давлатнинг банки ваколатхонаси, ваколатхонани аккредитация қилиш, аккредитация тўғрисидаги сертификат*. Унга кўра хорижий давлатнинг банки ваколатхонаси — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг аккредитация қилинганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг сертификатига эга бўлган, банк ва бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқисиз хорижий банк манфаатларини кўзлаб иш юритадиган хорижий банкнинг алоҳида бўлинмаси ҳисобланади.

Хорижий адабиётларда чет эл савдо ваколатхонаси тушунчасига турлича таърифлар берилган. Бунда, аксарият манбаларда хорижий мамлакат ҳудудида ўз давлатининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси таркибида ташқи савдо-иқтисодий масалалар бўйича махсус давлат органи сифатида фаолият кўрсатувчи савдо ваколатхоналари таърифланишини кўришимиз мумкин. Жумладан:

Савдо ваколатхонаси – ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлатнинг чет элдаги манфаатларини таъминлаш вазифаси юклатиладиган органи. Савдо ваколатхоналари давлатлараро шартномалар асосида ташкил этилади ва тегишли дипломатик ваколатхонанинг таркибига киради. Савдо ваколатхонасининг асосий вазифалари фирма ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилиш, ўз ваколоти доирасида савдо операцияларини ва битимларини амалга ошириш

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 535-модда.

ҳисобланади. Савдо ваколатхоналари томонидан тузилган битимлар бўйича давлат жавоб беради¹⁸.

Савдо ваколатхонаси ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлатнинг манфаатларини ифода этувчи тузилма. Аксарият давлатларда мазкур функциялар элчихонанинг савдо атташеси зиммасига юклатилади¹⁹.

Савдо ваколатхонаси баъзи давлатларда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлатнинг ҳуқуқларини амалга оширувчи давлатнинг чет элдаги махсус ваколатли органи ҳисобланади²⁰.

Юридик фанлари номзоди Тигиев З.Э. чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонаси деганда “хорижий давлат ҳудудида савдо фаолияти соҳасида манфаатларни ифода этиш ва ҳимоя қилиш, реклама, маркетинг фаолияти билан шуғулланиш, ўз маҳсулоти истеъмолчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш ва бошқа шу каби вазифаларни бажарадиган алоҳида бўлинмани ташкил этишда намоён бўладиган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шакли” деб таърифлайди²¹.

Шу тариқа, халқаро савдо ҳуқуқи ва амалиётида савдо ваколатхонаси тушунчаси ташқи савдо-иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий мақоми ҳамда мақсад ва вазифалари мазмуни жиҳатидан жиддий фарқланувчи иккита алоҳида тузилмага нисбатан қўлланилади:

- давлатнинг ташқи савдо-иқтисодий масалалари билан шуғулланувчи, давлатнинг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси таркибига кирувчи давлат органига тенглаштириладиган тузилма;

- хусусий юридик шахсларнинг хорижий мамлакат ҳудудида манфаатларини ифода этувчи ва уларни ҳимоя қилувчи алоҳида таркибий бўлинмаси.

¹⁸ Большой энциклопедический экономико-юридический словарь. Казань.: Изд-во "Таглитат" Института экономики, управления и права, 2006. - 1268с.

¹⁹ Право международной торговли: Словарь-справочник. /В.Н.Додонов, Н.Г.Доронина, В.Е.Крутских /Под ред. Б.И.Пугинского - М.: СЛАВИЯ, 1997. - 304с.

²⁰ Лозовский Л.Ш., Райзберг Б.А. Словарь по экономике и праву. М.: Омега, 1999. - 608с.

²¹ Тигиев З.Э. “Правовое положение торгового представительства по законодательству Российской Федерации”. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М.: 2012.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини ҳамда бошқа миллий ва хорижий доктринал манбаларни таҳлил қилган ҳолда чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонасига хос қуйидаги хусусиятларни қайд этиш мумкин:

- мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ва уни ташкил этган юридик шахс номидан ҳамда унинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатади;
- вакиллик функцияларини амалга оширади (манфаатларни ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади);
- юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинмаси ҳисобланади;
- уни ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланади ҳамда у тасдиқлаган низом асосида фаолият кўрсатади;
- савдо ваколатхонасининг раҳбари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унга берилган ишончнома асосида ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонаси деганда хусусий юридик шахслар томонидан хорижий мамлакат ҳудудида ташкил этиладиган ташқи савдо-иқтисодий масалалар бўйича ўзларининг вакиллик функцияларини бажарадиган, юридик шахс ҳисобланмайдиган, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган алоҳида таркибий бўлинмани тушуниш лозим.

1.2 Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси фаолиятининг мақсад ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 410-сон Қарори билан тасдиқланган “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низом 5-бандига кўра, чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий юридик шахснинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишдан иборат.

Чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари хорижий мамлакатда чет эл юридик шахсларининг асосий фаолиятига кўмаклашувчи бир қатор вазифаларни амалга оширади. Мазкур вазифалар чет эл юридик шахсларининг хорижий мамлакат ҳудудида ўз савдо ваколатхонасини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорида ёки савдо ваколатхонасининг низомида белгилаб қўйилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, чел элдаги хусусий юридик шахслар ва давлат органи сифатидаги юридик шахсларнинг савдо ваколатхоналари мақсад ва вазифаларининг кўлами жиҳатидан бир-биридан анча фарқ қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида 2011 й. 5 майда тузилган “Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида”ги Битим²²га мувофиқ ҳар икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш, иккала давлат иқтисодиётининг дунё хўжалик тизимига интеграциялашувини янада кучайтириш мақсадида ўзаро савдо ваколатхоналари таъсис этишга келишиб олинган. Битимнинг 3-моддасига кўра савдо ваколатхоналари ўз мамлакатларининг Ҳукуматлари номидан иш кўради ва бошқа Томон давлатидаги ўз давлати элчихонасининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда савдо ваколатхоналари қуйидаги асосий вазифаларни бажарадилар:

²² Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2011 й., 3-4-сон.

а) Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

б) жойлашиш мамлакатада икки мамлакат ўртасидаги савдо ва иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа турларига тааллуқли барча масалаларда ўз давлатларининг манфаатларини ифодалаш;

в) ўз мамлакати давлат органларини жойлашиш мамлакатадаги иқтисодий шароитлар ва унинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчилиги тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек жойлашиш мамлакатининг манфаатдор органларига ўз мамлакати тўғрисида шундай ахборот тақдим этиш;

г) ўз мамлакатларининг юридик ва жисмоний шахсларига уларнинг жойлашиш мамлакатининг юридик ва жисмоний шахслари билан савдо, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича алоқалар ўрнатиши ва битимларни амалга оширишида ёрдам кўрсатиш. (2-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июндаги “Ўзбекистон Республикасида Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ваколатхонасини очиш тўғрисида”ги 241-сон Қарори²³га мувофиқ Япония билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг институционал асосларини кенгайтириш, Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда ватанимиз маҳсулотларининг халқаро бозорларга кириб бориши учун жаҳон илғор тажрибасини қўллаш мақсадида Япония Ҳукуматининг Ўзбекистон Республикасида Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO)нинг минтақавий ваколатхонасини очиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинган. Унинг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланган:

а) Япония компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини республика иқтисодиётига жалб қилиш, иккала мамлакат саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни ва илғор технологияларни айирбошлашни кенгайтириш;

²³ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. 2000й. № 6. 29-модда.

б) экспорт салоҳиятини ривожлантириш, ватанимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлилигини ошириш ҳамда уларнинг Япония ва халқаро сотиш бозорларига кириб боришига кўмаклашиш бўйича дастурларни амалга ошириш;

в) саноат ишлаб чиқариши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортга йўналтириладиган маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини яхшилашга, уларни стандартлаштириш ва сертификатлаштиришга кўмаклашиш;

г) республика мутахассислари малакасини ошириш тадбирларини, шу жумладан, уларнинг Японияда ўтказиладиган JETRO ўқув дастурларида қатнашишини ташкил қилиш.

Давлат органига тенглаштирилган савдо ваколатхоналарининг мақсад ва вазифаларини таҳлил қилган ҳолда қайд этиш жоизки, улар асосан умумдавлат ташқи савдо-иқтисодий манфаатларни ифода этган ҳолда миллий ташқи савдо-иқтисодий фаолият иштирокчиларининг чет давлат ҳудудидаги манфаатларини рўёбга чиқариш, уларга ўз маҳсулотлари билан хорижий мамлакат бозорига киришда турли хил ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашиш ва шу каби бошқа масалаларда амалий ёрдам бериш, шунингдек миллий ташқи савдо-иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда уларни ҳимоя қилиш юзасидан тегишли чораларни кўриш, иккала давлат ўртасида савдо алоқаларини ривожлантиришнинг потенциал имкониятларини аниқлашдан иборат ҳисобланади.

Шу маънода, давлат органи ҳисобланадиган юридик шахслар томонидан чел элда ташкил этиладиган ҳамда давлат органига тенглаштириладиган савдо ваколатхонасининг мақсад ва вазифалари кўлами чет эл хусусий юридик шахслари томонидан ташкил этиладиган савдо ваколатхонасининг мақсад ва вазифаларига нисбатан кенгдир.

Хусусий юридик шахсларнинг чет элдаги савдо ваколатхоналарининг мақсад ва вазифалари эса асосан битта ташкилотнинг ташқи савдо-иқтисодий

муносабатлардаги манфаатларини ифодалаш ва уларни ҳимоя қилишни камраб олади.

Бу борада, юридик фанлари номзоди А.В. Мыскиннинг фикрига кўра ваколатхона, шу жумладан савдо ваколатхонаси юридик шахснинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайди:

***биринчидан,** ваколатхонани ташкил этган бош ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган турли хил реклама компанияларини ташкил этиши;*

Бундай реклама компаниялари турли хил оммавий ахборот воситалари, махсус реклама нашрлари, ташқи реклама воситаларида реклама маълумотларини жойлаштириш, шунингдек турли хил тарғибот-ташвиқотларни уюштириш, ихтисослашган кўргазма ва конференцияларда қатнашиш, буклама реклама (буклет) тарқатиш ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа усулларда тадбирлар ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин.

***иккинчидан,** жойлашув мамлакати ҳудудида маркетинг тадқиқотлари олиб бориши;*

Савдо ваколатхоналари жойлашув мамлакати ҳудудининг бозорини, ушбу ҳудудда мавжуд бўлган товар, иш, хизматларга бўлган талаб ва таклифнинг динамик кўрсаткичларини ўрганишга қаратилган маркетинг тадқиқотларини олиб борадилар. Маркетинг тадқиқотлари ваколатхонанинг ўзи томонидан ҳам, шунингдек бошқа ташкилотларни ёки мутахассисларни жалб қилиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай маркетинг тадқиқотлари натижасида олинган ахборот-таҳлилий хусусиятдаги маълумотлар бош ташкилот томонидан мазкур мамлакатнинг бозорида ўзининг маҳсулотлари билан қатнашиш учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

учинчидан, юридик ва жисмоний шахслар билан ўз фаолиятига доир, шунингдек бошқа хўжалик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш;

Савдо ваколатхоналари асосий ташкилот томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўзи жойлашган мамлакат ҳудудидаги потенциал харидорларини қидиради ва улар билан тегишли шартномавий алоқалар ўрнатишда амалий ёрдам кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолатда савдо ваколатхонаси маълум даражада воситачилик вазифасини ҳам бажаради. Бироқ, воситачидан ваколатхонанинг фарқи шундаки, ваколатхона воситачилик фаолиятида алоҳида мустақил тараф сифатида иштирок эта олмайди. Шунинг учун савдо ваколатхонасининг воситачилик функциялари юридик хусусиятга эмас, балки кўпроқ амалий-ташкилий хусусиятга эга ҳисобланади.

тўртинчидан, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан бош ташкилотнинг манфаатларига доир масалалар юзасидан алоқалар олиб бориш;

Хорижий юридик шахс ўзининг савдо ваколатхонаси жойлашган мамлакат ҳудудида муайян кўчмас мол-мулкка эга бўлиши мумкин, савдо ваколатхонаси мазкур мол-мулкни бошқариш юзасидан ушбу давлатнинг тегишли орган ва ташкилотлари билан мунтазам алоқалар олиб боради. Шунингдек, ваколатхона бош ташкилот билан ваколатхона жойлашган мамлакат ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келадиган низоли ҳолатлар бўйича судларда юридик шахснинг вакили сифатида иштирок этиши мумкин²⁴.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг қуйидаги асосий вазифаларини белгилаш мумкин:

- хорижий мамлакат ҳудудида ўзи мансуб бўлган юридик шахс (кейинги ўринларда компания)нинг маҳсулотларини реклама қилиш;

²⁴ Мыскин А.В. Гражданско-правовой статус представительств юридических лиц.//Нотариус. 2010. №1. С. 18-20

- компания маҳсулотларининг потенциал харидорларини излаш ва улар билан алоқалар ўрнатиш, зарур ҳолларда эса музокаралар олиб бориш;
- ўзи жойлашган мамлакатнинг бозор имкониятларини ўрганиш ва унинг маркетингини амалга ошириш;
- ўзи жойлашган мамлакатда ўтказиладиган тендерларда қатнашиш;
- компания билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган ҳамкорлар билан шартномалар тузилишида ҳамда компания иштирок этаётган шартномаларни бажарилишида амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек ваколатхона раҳбарига берилган ишончномада назарда тутилган ҳолларда бевосита шартномалар тузиш;
- турли хил кўргазма ва бизнес форумларда қатнашиш;
- давлат орган ва ташкилотларида, шунингдек судларда юридик шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳолларда чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари тўлиқ чет эл юридик шахсининг номидан иш юритади. Шу билан бирга улар томонидан амалга оширилган барча юридик ҳаракатлар фақатгина чел элдаги ташкилот – юридик шахс учун ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам хорижий юридик шахс ўзининг ваколатхонаси тўғрисидаги Низомда ҳамда ваколатхона раҳбарига бериладиган ишончномада мазкур юридик ҳаракатларнинг рўйхатини аниқ кўрсатиб ўтиши лозим.

Шундай қилиб, чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси фаолияти мақсад ва вазифаларининг туб моҳиятида хорижий тижорат фирмалари, компаниялар, корпорациялар, жамиятлар, шерикларнинг мазкур ваколатхона очилган мамлакат ҳудудида ёки минтақада ўзининг фаолият истиқболларини белгилаш, мазкур ҳудуднинг бозорига кириб бориш ва мазкур мамлакатда ўзининг фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга оширишнинг имкониятларини ўрганиш масалалари ётади.

1.3 Ташқи савдо-иқтисодий муносабатлар тизимида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни²⁵ 3-моддасига биноан ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

Ташқи савдо фаолияти эса халқаро товарлар (ишлар, хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир ҳамда у товарларни (ишлар, хизматлар) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Шунингдек, ташқи савдо фаолияти ташқи иқтисодий фаолиятнинг алоҳида йўналишларидан бири ҳисобланади. Жумладан, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонун 9-моддасида қуйидагилар ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари қилиб белгиланган:

- халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;
- ташқи савдо фаолияти;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

Бугунги кунда халқаро савдо муомаласида савдо-иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг асосий иккита ҳуқуқий механизми кенг тарқалган: *воситачилик* ва *вакиллик*.

Воситачилик маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасидаги маҳсулот реализациясини амалга оширишда воситачилик қилувчи алоҳида мустақил фуқаролик шартномалар (халқаро воситачилик шартномалари) асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидир. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро савдонинг катта улуши воситачилик орқали амалга оширилмоқда. Жумладан, Буюк Британия ва

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда.

Белгия давлатлари ташқи савдо ҳажмининг 50% айнан воситачилик улушига тўғри келади²⁶.

Халқаро савдо воситачилари ўзларининг улгуржи ва чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқлари орқали халқаро миқёсда товарлар савдосига кўмаклашади ва агентлик, брокерлик ва бошқа турли хил хизматлар кўрсатишади. Бугунги кунда энг кенг тарқалган халқаро савдо воситачилари – савдо уйлари, улгуржи савдо компаниялари, расмий дистрибютор, дилер, савдо агенти, консигнатор, факторинг компаниялари ҳисобланади²⁷.

Вакиллик орқали савдо-иқтисодий фаолиятни амалга ошириш бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг ёки савдо компанияларининг ўз вакиллари орқали турли хил шартномавий-ҳуқуқий ва бошқа муносабатларга киришишида намоён бўлади.

Бундай савдо вакиллиги ҳам ўз навбатида икки хил кўринишда амалга оширилади:

- а) фуқаролик шартномаси асосида мустақил вакилларни ёллаш орқали;
- б) меҳнат шартномаси асосида ўз ходимини вакил қилиш орқали.

Мустақил вакиллар – ўз ваколатлари кўрсатилган ёзма шартнома ёки ишончнома асосида тадбиркорлар номидан шартномалар тузишда доимо ва мустақил суратда вакиллик қилувчи шахслар (тижорат вакили) ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси асосида ўз ходимини вакил қилиш эса айнан савдо ваколатхонаси ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Шу тариқа, ташқи савдо-иқтисодий фаолиятда вакилликни амалга оширувчи институтлардан бири сифатида савдо ваколатхоналарининг иштироки ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, савдо ваколатхоналари савдо муносабатларида бевосита иштирок этмайди, яъни олди-сотди шартномаси асосида муайян товарларни етказиб бериш ёки уларни харид қилиш билан шуғулланмайди. Ушбу муносабатларда савдо ваколатхоналари фақат ташкилий-техник хусусиятдаги вазифаларни бажаради.

²⁶ *Внешнеторговое дело*. Кретов И.И., Садченко К.В. // Дело и Сервис. - М., 2006. С. 44.

²⁷ Ўша манба.

Шу билан бирга, халқаро савдо муносабатларида вакилликни амалга ошираётган савдо ваколатхоналарини шартли равишда икки хил типга ажратиш мумкин:

биринчи типга товар, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи компанияларнинг чет элдаги савдо-иқтисодий манфаатларини ифода этувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ваколатхоналар;

иккинчи типга товар, иш ва хизматларнинг бевосита савдоси билан шуғулланувчи савдо компанияларининг чет элдаги савдо-иқтисодий манфаатларини ифода этувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ваколатхоналар тааллуқлидир.

Ташқи савдо-иқтисодий фаолиятда воситачилик ва вакиллик қуйидаги жиҳатлар билан ўзаро фарқланади:

- a) воситачилик фуқаролик шартномаларига (халқаро воситачилик шартномалари) асосланган иккита алоҳида мустақил субъект (воситачи ва ишлаб чиқарувчи) ўртасидаги муносабат бўлиб, бунда воситачи доимий равишда ишлаб чиқарувчи билан ҳамкорлик қилиш орқали ундан муайян маҳсулотларни сотиб олади ва кейинчалик уларни харидорларга сотади;
- b) вакиллик эса битта мустақил субъект – юридик шахс билан корпоратив нормалар асосида ўзаро боғланган, унинг алоҳида таркибий бўлинмаси (ваколатхона) томонидан юридик шахснинг чет элдаги савдо-иқтисодий масалалар бўйича манфаатларини ифода этиш ва уларни ҳимоя қилишдан иборат бўлган муносабатдир;
- c) воситачи комитентдан фуқаролик ҳуқуқий мақомига кўра мустақил ва тўлақонли ҳуқуқ субъектидир;
- d) вакил (ваколатхона унинг раҳбари тимсолида) фуқаролик ҳуқуқий мақомига кўра юридик шахсдан мустақил ва тўлақонли ҳуқуқ субъекти ҳисобланмайди;
- e) халқаро савдо воситачилиги тижорат фаолияти ҳисобланиб, муайян ҳақ эвазига бажарилади;

f) савдо ваколатхонаси томонидан унинг раҳбари тимсолида амалга ошириладиган вакиллик меҳнат шартномасига асосланган меҳнат ҳуқуқий мажбуриятдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланадилар.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг ташқи савдо-иқтисодий фаолиятдаги субъектилик масаласи ўзи хос хусусиятга эга:

биринчидан, амалдаги фуқаролик қонунчилигига мувофиқ савдо ваколатхонаси юридик шахс ҳисобланмайди;

иккинчидан, улар юридик шахс турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини кўзлаб ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган алоҳида бўлинмадир.

Шу нуқтаи назардан, юридик шахсларнинг савдо ваколатхонаси ташқи савдо-иқтисодий фаолиятнинг субъектими ёки иштирокчисими деган масала муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, давлат ва ҳуқуқ назариясида **ҳуқуқ субъекти, ҳуқуқий муносабат субъекти** ва **ҳуқуқий муносабат иштирокчиси** тушунчалари ўзаро фарқли тушунчалардир.

Хусусан, рус ҳуқуқшунос олими, юридик фанлари номзоди А.В. Слепневнинг таъкидлашича, ҳуқуқ субъекти муайян ҳуқуқий муносабатнинг потенциал иштирокчисидир, ҳуқуқий муносабат субъекти эса ҳуқуқий муносабатнинг актив иштирокчисидир²⁸.

Ўз навбатида ҳуқуқий муносабат иштирокчиси умумий тушунча ҳисобланиб, муайян ҳуқуқий муносабатнинг тарафларини таснифлаш учун қўлланилади.

Шу маънода, ташқи савдо-иқтисодий фаолият *субъектлари* мустақил ҳуқуқ субъекти ҳисобланиб, ўз ҳуқуқларини бевосита ўзлари мустақил

²⁸ *Государство как субъект правоотношений*. Слепнев А.В. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2009.

равишда амалга оширадилар ва мажбуриятларни бажарадилар, шунингдек ташқи савдо-иқтисодий муносабатларда субъект сифатида иштирок этадилар. Бироқ, ташқи савдо-иқтисодий муносабатларнинг барча *иштирокчилари* ҳам бевосита ўзлари тўлақонли ҳуқуқ субъекти сифатида мустақил равишда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўла олмайдилар. Бизнинг фикримизча, чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари ташқи савдо-иқтисодий муносабатларда юридик шахснинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида иштирок этганлиги туфайли ташқи савдо-иқтисодий фаолиятнинг тўлақонли субъекти ҳисобланмайди. Чет эл савдо ваколатхоналари ташқи савдо-иқтисодий фаолиятда уларни ташкил этган юридик шахсларнинг манфаатларини ифодачиси сифатида амалда уларнинг муайян ҳуқуқий муносабатдаги (турли хил савдо-иқтисодий, ўзаро ҳамкорлик битимлари тузишда кўмаклашиш ва шу кабилар орқали) иштирокини таъминлайди холос, шунингдек, бунда савдо ваколатхоналари чет элдаги асосий ташкилот – юридик шахс номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро савдо алоқаларида хусусий юридик шахслар ва давлат органи сифатидаги юридик шахслар томонидан ташкил этиладиган савдо ваколатхоналари ҳуқуқий мақомининг кўлами, мақсад ва вазифаларининг доираси жиҳатидан жиддий фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 47-моддаси ҳамда “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низом 7-банди талабларига мувофиқ хорижий тижорат ташкилотларининг савдо ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайди. Бироқ, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, давлат ваколатли органлари томонидан ташкил этиладиган савдо ваколатхоналарига, гарчанд улар ҳуқуқий ҳолатига кўра тегишли давлатнинг чет элдаги дипломатик ваколатхонасининг таркибий қисми ҳисобланса ҳам, юридик шахсларга тегишли бўлган айрим ҳуқуқлар

тақдим этилиши мумкин ва бундай ҳолатда уларга нисбатан юридик шахслар тўғрисидаги қоидалар тадбиқ этилади. Масалан, Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2005 й. 27 июнь № 401 сон Қарори билан тасдиқланган “Россия Федерациясининг жорижий давлатдаги савдо ваколатхонаси тўғрисида”ги Низом²⁹ IV бўлим 7 бандига мувофиқ Россия Федерациясининг хорижий давлатдаги савдо ваколатхонаси ўз номидан белгиланган тартибда битимлар тузиши ва зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириши, судда даъвогар ёки даъвогарнинг вакили сифатида қатнашиши мумкин. Савдо ваколатхонаси жойлашиш мамлакатада ўз номидан тузган битимлар ва амалга оширган бошқа юридик ҳаракатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан фақат Россия Федерацияси мазкур жойлашиш давлати билан тузган халқаро шартномада ёки судда баёнот бериш ёки ёзма хабарнома жўнатиш орқали кўриб чиқиладиган масала бўйича Савдо ваколатхонасининг жойлашув давлати юрисдикциясига бўйсунушига розилик берган ҳоллардагина судда жавобгар сифатида қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида 2011 й. 5 майда тузилган “Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида”ги Битим³⁰ 3-моддасига кўра савдо ваколатхонаси бошқа Томон давлатидаги ўз давлати элчихонасининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, савдо ваколатхонаси белгиланган тартибда хизмат ва турар жой бинолари, мол-мулк ва архивга эга бўлиши мумкин.

Юқоридагиларга таяниб қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 39-моддасида юридик шахсларнинг легал таърифи берилган бўлиб, унда белгиланган юридик шахсларга тегишли асосий ҳуқуқлардан – оператив бошқарувида мол-мулкка эга бўлиш, ўз номидан ҳуқуқларга эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, мажбуриятлар бажариш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш кабилар давлат органи ҳисобланган

²⁹ www.consultant.ru. Россия Федерацияси конунчилик ҳужжатларининг электрон базаси.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2011 й., 3-4-сон.

юримдик шахслар томонидан ташкил этиладиган савдо ваколатхонарига тақдим этилиши мумкин. Бу эса чет эл оммавий юримдик шахсларининг савдо ваколатхоналари ташки савдо-иқтисодий муносабатларда *квази-юримдик шахс*, яъни *квази-субъект* сифатида иштирок этади деган хулоса қилиш имконини беради.

Хусусий юримдик шахслар ташки савдо-иқтисодий муносабатларда ўз ваколатхоналари тимсолида субъект сифатида катнашади. Савдо ваколатхонасининг ўзи эса юримдик шахс мақомига эга бўлмаганлиги туфайли субъект сифатида эмас, балки ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчиси сифатида эътироф этилади.

Шунинг учун ҳам савдо ваколатхоналари гарчанд уларда ташки алоҳидалик белгилари – асосий юримдик шахс жойлашган ҳудуддан ташқарида бўлиши, муайян алоҳида мол-мулкка эга бўлишига қарамай, уларни алоҳида ҳуқуқ субъекти сифатида тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, савдо ваколатхонаси ташки савдо-иқтисодий фаолиятда доимо иккита мамлакат қонуни таъсири остида бўлади.

Биринчидан, чет эл савдо ваколатхонаси хорижий юримдик шахсининг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида намоён бўлар экан, Ўзбекистон Республикаси ФК 1175-1176 моддаларида мустаҳкамланган коллизия нормалар талабига кўра хорижий юримдик шахсининг қонуни у таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи ҳисобланади ва ўз навбатида хорижий юримдик шахсининг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати мазкур мамлакат қонуни билан белгиланади.

Иккинчидан, хорижий юримдик шахсининг савдо ваколатхонаси, у аккредитация қилинган мамлакатда ваколатхона сифатида ташкил қилинган ҳисобланади ва ўз фаолияти давомида мазкур давлатнинг қонунларига ҳам амал қилади.

I боб бўйича хулоса

Чет эл савдо ваколатхонасини хорижий юридик шахснинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида илмий-назарий тадқиқ қилиш натижасида қуйидагилар тўғрисида хулоса қилиш мумкин:

Чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонаси тушунчаси юридик шахслар томонидан хорижий мамлакат ҳудудида ташкил этиладиган, ташқи савдо-иқтисодий масалалар бўйича ўзларининг вакиллик функцияларини бажарадиган, юридик шахс ҳисобланмайдиган, хўжалик ва бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган алоҳида таркибий бўлинмани англатади.

Чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонаси қуйидаги белгиларга эга:

- мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ва уни ташкил этган юридик шахс номидан ҳамда унинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатади;
- вакиллик функцияларини амалга оширади (манфаатларни ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади);
- юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинмаси ҳисобланади;
- уни ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланади ҳамда у тасдиқлаган низом асосида иш олиб боради;
- савдо ваколатхонасининг раҳбари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонасининг фаолияти юридик шахснинг чет мамлакат ҳудудидаги савдо-иқтисодий манфаатларини ифода этиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадини рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Бунда:

- а) хусусий юридик шахсларнинг чет элдаги савдо ваколатхоналарининг мақсад ва вазифалари асосан битта ташкилотнинг ташқи савдо-иқтисодий муносабатлардаги манфаатларини ифодалаш ва уларни ҳимоя қилишни қамраб олса;

б) давлат органи ҳисобланган юридик шахслар томонидан хорижий мамлакат ҳудудида ташкил этиладиган савдо ваколатхонаси фаолиятининг мақсад ва вазифалари доираси бироз кенг бўлиб, у умумдавлат ташқи савдо-иқтисодий манфаатларни ифода этиш ва миллий ташқи савдо-иқтисодий фаолият иштирокчиларининг чет давлат ҳудудидаги манфаатларини рўёбга чиқариш, уларга ўз маҳсулотлари билан хорижий мамлакат бозорига киришда турли хил ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашиш ва шу каби бошқа масалаларда амалий ёрдам бериш, шунингдек миллий ташқи савдо-иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда уларни ҳимоя қилиш юзасидан тегишли чораларни кўриш, иккала давлат ўртасида савдо алоқаларини ривожлантиришнинг потенциал имкониятларини аниқлаш кабилардан иборат ҳисобланади.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси ташқи савдо-иқтисодий муносабатларда юридик шахс номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади. Шу туфайли савдо ваколатхонаси ташқи савдо-иқтисодий фаолиятнинг субъекти ҳисобланмайди.

Давлат органи ҳисобланган юридик шахслар томонидан хорижий мамлакат ҳудудида ташкил этиладиган савдо ваколатхонасига юридик шахсларга тегишли айрим ҳуқуқлар тақдим этилиши мумкинлиги сабабли улар ташқи савдо-иқтисодий муносабатларда *квази-субъект* бўлиши мумкин.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси ташқи савдо-иқтисодий фаолиятда доимо иккита мамлакат қонуни таъсири остида бўлади.

II БОБ. ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ САВДО ВАКОЛАТХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

2.1 Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарини ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари.

Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 410-сон Қарори билан тасдиқланган “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни³¹, Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни³²ларининг айрим қоидалари ҳам мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни³³ 14-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатларнинг савдо-иқтисодий масалалар бўйича ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси томонидан тегишли хорижий давлатлар билан тузиладиган халқаро шартномалар асосида таъсис этилади.

Чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очишга ҳақлидирлар.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда.

³² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда.

³³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналарини ташкил этиш назарий ва амалий жиҳатдан икки босқичдан иборат ҳамда уларни шартли равишда **ташқи** ва **ички** турларга ажратиш мумкин. Чет эл юридик шахслари томонидан ўз мамлакати қонунчилиги ва Уставида белгиланган қоидаларнинг талабларига мувофиқ хорижий мамлакат ҳудудида савдо ваколатхонаси очиш тўғрисида қарор қабул қилиши дастлабки босқичда амалга оширилиб, **ички ташкил қилиш** ҳисобланади.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарини ваколатли давлат органида аккредитация қилиш эса иккинчи босқичда амалга оширилиб, **ташқи ташкил қилиш** ҳисобланади.

Чет эл юридик шахслари томонидан хорижий мамлакат ҳудудида савдо ваколатхонаси ташкил этиш тўғрисидаги қарор мазкур юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиқиб, унинг Уставида белгиланган ваколатли бошқарув органи томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик шахсларнинг тадбиркорлик соҳасида энг кўп тарқалган шаклларидан – акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасига мувофиқ филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Қонуннинг 82-моддасига кўра акциядорлик жамиятида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш **кузатув кенгашининг** ваколатларига тааллуқли ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига

биноан масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар ваколатхоналар ва филиаллар очишга ҳақлидир.

Чет эл юридик шахслари томонидан Ўзбекистон Республикасида савдо ваколатхоналарини очиш “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда Низом) 6-бандига мувофиқ уларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида аккредитация қилиш йўли билан амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик банкида чет эл юридик шахсларининг айнан савдо ваколатхоналарини аккредитация қилиш юзасидан алоҳида ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Низомнинг 2-бандига кўра хорижий тижорат ташкилотлари дейилганда хорижий фирмалар, компаниялар, корпорациялар, жамиятлар, шериклар ва хорижий давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ чет элда ваколатхона очиш ҳуқуқига эга бўлган, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари (“Хорижий фирмалар”) тушунилади. Низомнинг мазкур қонунда тайаниб, қайд этиш мумкинки, чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонаси ҳам айна пайтда хорижий тижорат ташкилотининг ваколатхонаси ҳисобланади. Шу билан бирга, Низомнинг 3-бандига биноан хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органи рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда, хорижий давлатлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг (вазирликлари, федерал округлари ва шу кабиларнинг) савдо (тижорат) ваколатхоналарига ҳам ушбу Низом қоидалари тадбиқ этилиши белгиланган, яъни ушбу Низом мазкур соҳадаги барча хорижий нодавлат тижорат юридик шахсларнинг ваколатхоналарига тадбиқ этилади, шунингдек хорижий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг савдо (тижорат) ваколатхоналарини ҳам аккредитация қилиш ва уларнинг фаолиятини белгилашга нисбатан тадбиқ этилиши мумкин.

Аккредитация сўзи лотинча “accredere” – *ишонч билдирмоқ* деган маънони билдиради. Халқаро ҳуқуқда **аккредитация** бир давлатнинг бошқа бир давлатдаги дипломатик ваколатхонасига раҳбарлик қилишда намоён бўладиган давлат вакиллигини амалга оширишга ваколат бериш тушунилади. Халқаро хусусий ҳуқуқда эса **аккредитация** хорижий юридик шахсларнинг ваколатхоналарига улар жойлашув мамлакатида ўз ташкилотининг вакиллигини амалга оширишга расмий рухсат бериш ва уларни рўйхатга олишни англатади³⁴.

Низомнинг 10-21 бандларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз савдо ваколатхонасини очишдан манфаатдор бўлган хорижий фирма (чет эл юридик шахси) аккредитация қилувчи орган – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ёзма ариза тақдим этади:

а) чет эл юридик шахси (хорижий фирма) фаолияти тўғрисида маълумотлар;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар билан амалий ва бошқа турдаги алоқалар ҳамда бажарилишига ушбу савдо ваколатхонаси кўмаклашадиган шартномалар ва битимлар тўғрисидаги муфассал маълумотлар;

в) ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари;

г) ваколатхонани очишга рухсатнома сўраладиган муддат.

Мазкур аризада кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларни бевосита тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида ушбу аризага Низом (11-банд) талабига мувофиқ:

а) хорижий нодавлат (хусусий) тижорат ташкилотларининг савдо ваколатхоналари бўйича – хорижий юридик шахс рўйхатдан ўтган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;

³⁴ Большой юридический словарь. А. Я. Сухарев, В.Е. Крутский. – М.: Инфра - М. 2003.

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг савдо ваколатхоналари бўйича – савдо ваколатхонаси очишни мўлжаллаётган органнинг мақомини ва ваколатини белгиловчи меъёрий ёки бошқа ҳужжат;

б) хорижий юридик шахс жойлашган мамлакатда унинг расмий равишда рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи, тегишли давлат органи томонидан берилган ҳужжат (давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки савдо реестридан кўчирма);

в) савдо ваколатхонаси бошлиғига хорижий юридик шахс томонидан берилган, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ва унга берилаётган ваколатлар тўлиқ кўрсатилган ҳолдаги ишончнома;

г) хорижий юридик шахс раҳбарияти томонидан тасдиқланган ва фирма муҳри билан муҳрланган савдо ваколатхонаси тўғрисидаги Низом илова қилиниши лозим.

Аккредитация қилишни сўраб мурожаат қилинадиган аризага илова қилинадиган, юқорида қайд этилган ҳужжатлар хорижий юридик шахс рўйхатдан ўтган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида, у мавжуд бўлмаган тақдирда эса, хорижий юридик шахс рўйхатдан ўтган давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида белгиланган тартибда легаллаштирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бошқармасида тасдиқланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2011 йил 17 ноябрь 307-сон Қарори³⁵ талабига мувофиқ агар мазкур ҳужжатларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлса, легаллаштириш талаб қилинмайди.

Шунингдек, мазкур ҳужжатлар нотариал тасдиқланган давлат ёки рус тилидаги таржимаси билан тақдим этилади.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 47-сон, 489-модда.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг айримлари хорижий юридик шахс мамлакатининг қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, хорижий юридик шахс аккредитация қилувчи орган – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига хорижий юридик шахс таъсис этилган мамлакатнинг Ташқи ишлар вазирлиги ёхуд унинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхонасининг тегишли тасдиқномасини тақдим этиши лозим.

д) хорижий юридик шахс савдо ваколатхонасининг фаолиятини юргизиш мақсадида олинадиган нотурар жой бинонинг эгаси бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик ёки жисмоний шахсининг мазкур бинони ваколатхонага ижарага беришга ёки сотишга тайёрлигини тасдиқловчи қафолат хати.

Ушбу қафолат хатида мазкур бинони ижарага бериш ёки сотиш шартлари ва муддати кўрсатилган бўлиши керак. Агар бинони реализация қилишда иштирок этаётган шахслар берилаётган бинонинг ёлловчилари ҳисобланса, у ҳолда қафолат хати ушбу бинонинг мулкдори билан келишилган бўлиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда хорижий тадбиркорлик субъектлари учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бўладиган турли хил муносабатларда ортиқча бюрократик тартибларни бекор қилиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг талабидан келиб чиқиб мазкур Низомда ҳам чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарини аккредитация қилишда юқорида кўрсатиб ўтилган рўйхатдагидан ортиқча қўшимча материалларни сўраб олишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, аккредитация қилувчи органнинг чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонасини аккредитация қилишнинг ушбу Низомда белгилаб қўйилган тартиби бузилишида айбдор бўлган ходимлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисидаги норма мустаҳкамланган.

“Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низомнинг 12-бандига мувофиқ чет эл юридик шахсларидан ўз савдо ваколатхонасини аккредитация қилганлик учун аккредитация қилувчи орган – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида”ги 19.08.1993 й. № 423 Қарори³⁶га асосан белгиланган 1200 (бир минг икки юз) АҚШ доллари миқдоридаги тўлов ундирилади.

Аккредитация қилувчи ваколатли давлат органи хорижий юридик шахс савдо ваколатхонасини аккредитация қилиш юзасидан аризани ва илова қилинадиган ҳужжатларни кўриб чиқиб ариза берилгандан кейинги кундан бошлаб **ўн иш кuni** мобайнида аккредитация қилишга рухсат бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аккредитация қилувчи орган аккредитация қилиш ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида бу ҳақда аризачига ёзма равишда хабар қилади.

Аккредитация қилувчи ваколатли давлат органи хорижий юридик шахснинг савдо ваколатхонасини аккредитация қилишни қуйидаги асосларга кўра рад этиши мумкин:

- қасддан қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш;
- савдо ваколатхонаси тўғрисидаги низомнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зидлиги;
- тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига номувофиқлиги (Низом 14-банд).

Рад этиш аризачига аниқ фикр-мулоҳазалар рўйхатини баён қилган ҳолда маълум қилинади.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 561-модда.

Хужжатларни такрорий кўриб чиқишда аккредитация қилувчи орган томонидан илгари аризачига ёзма равишда баён қилинмаган янги фикр-мулоҳазаларнинг билдирилишига йўл қўйилмайди.

Аризачи аккредитация қилишнинг рад этилишига рози бўлмаса судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Аккредитация қилувчи ваколатли давлат органи томонидан хорижий юридик шахс савдо ваколатхонасини аккредитация қилиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган, шунингдек аккредитация қилиш учун аккредитация қилувчи орган ҳисоб рақамига тегишли тўлов амалга оширилгандан кейин беш кун мобайнида чет эл юридик шахсининг савдо ваколатхонасига аккредитация қилиш тўғрисида Сертификат берилади ва савдо ваколатхонаси мазкур Сертификат берилган кундан бошлаб аккредитация қилинган ҳисобланади.

Аккредитация қилиш тўғрисидаги сертификатда савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган давр кўрсатилади. Низомнинг 19-банди талабига мувофиқ хорижий юридик шахсларга савдо ваколатхонаси очиш учун рухсатнома **бир йилдан уч йилгача муддатга**, хорижий юридик шахс аккредитация қилувчи органга ўз вақтида мурожаат қилган тақдирда уни узайтириш имконияти билан берилади. Шунини таъкидлаш жоизки, амалиётда савдо ваколатхоналари одатда бир йиллик муддатга аккредитация қилинмоқда.

Савдо ваколатхонаси аккредитация қилиш тўғрисидаги сертификат олингандан кейин **ўн кун** муддатда:

- аккредитация қилувчи органга ўзининг почта манзили тўғрисида ёзма билдиришнома тақдим этишга;

- ваколатхонани у жойлашган ҳудуддаги солиқ органларида ҳисобга кўйишга ва унинг ҳисобга кўйилгани тўғрисида аккредитация қилувчи органга маълумотнома тақдим этишга мажбурдир.

Айрим савдо ваколатхоналари узоқ вақт мобайнида фаолият кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолда улар аккредитация қилувчи органга ҳар **уч йилда бир**

марта Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларни янгилаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

Савдо ваколатхонасини аккредитация қилиш муддати узайтирилган тақдирда хорижий юридик шахс аккредитация қилувчи органга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

а) аккредитация қилиш муддатини узайтириш тўғрисида илтимос баён қилинган ёзма ариза;

б) савдо ваколатхонаси бошлиғига хорижий юридик шахс томонидан берилган, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ва унга берилаётган ваколатлар тўлиқ кўрсатилган ҳолдаги ишончнома, башарти аккредитация қилувчи органга илгари берилган ишончноманинг муддати тугаган бўлса;

в) савдо ваколатхонасининг фаолиятини ташкил этиш мақсадида олинадиган нотулар жой бино ижара шартномасининг ёки ушбу бинога эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда, ўз почта манзилини ёзма равишда тасдиқловчи ҳужжат.

Низомнинг 38-бандига мувофиқ чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолияти қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- аккредитация муддати тугаши билан, башарти хорижий юридик шахс уни узайтириш тўғрисида илтимоснома тақдим қилмаган тақдирда;

- хорижий юридик шахс тугатилган тақдирда;

- хорижий юридик шахснинг ваколатли бошқарув органи савдо ваколатхонасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда;

- суд қарорига кўра;

- аккредитация қилувчи органнинг қарорига кўра, башарти савдо ваколатхонасини очиш шартлари ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари қоидалари савдо ваколатхонаси томонидан бузилган тақдирда.

Хорижий юридик шахс аккредитация қилувчи органнинг савдо ваколатхонаси фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида савдо ваколатхонасига эга бўлган хорижий юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда савдо ваколатхонаси аккредитация қилувчи органни бу ҳақда **икки ҳафта** муддатда хабардор қилиши шарт.

Ўз навбатида аккредитация қилувчи орган ҳам савдо ваколатхонасини унинг аккредитация муддати тугаши ҳақида расмий хабардор қилади, башарти хорижий юридик шахс уни узайтириш тўғрисида илтимоснома тақдим қилмаса, савдо ваколатхонаси фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақида савдо ваколатхонаси ҳамда хорижий юридик шахсни хабардор қилади.

2.2 Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет элдаги юридик шахснинг вакили сифатида хорижий юридик шахс тасдиқлаган ва аккредитация қилувчи органда рўйхатдан ўтган савдо ваколатхонаси тўғрисидаги Низом асосида фаолият кўрсатади. “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низомнинг 7 банди талабига мувофиқ чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, бевосита хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайди, шу туфайли улар билан Ўзбекистон Республикасининг барча корхона ва ташкилотлари ўртасидаги турли хил фуқаролик, меҳнат, солиқ ва бошқа ҳуқуқий муносабатларда савдо ваколатхонаси чет элдаги юридик шахснинг вакили сифатида ҳамда унинг номидан ҳаракат қилади.

Фуқаролик-шартномавий ҳуқуқий муносабатларда чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонасининг иштироки ўзига хос бўлиб, бунда савдо ваколатхонаси раҳбари унга чет элдаги юридик шахс томонидан берилган ишончномада кўрсатилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади. Жумладан,

савдо ваколатхонаси чет эл юридик шахси номидан турли хил тижорат (хўжалик) битимларини тузиши, жойлашув мамлакатадаги тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро музокаралар олиб бориши мумкин. Бу борада куйидаги ўзига хос асосий хусусиятларни қайд этиш мумкин.

Биринчидан, савдо ваколатхонасининг фуқаролик-шартномавий ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки тижорат (хўжалик) шартномасини имзолаш билан яқунлади. Савдо ваколатхонаси мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни, яъни муайян товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ва шу каби шартномадан келиб чиқувчи бошқа мажбуриятларни бевосита ўзи бажармайди, ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини чет элдаги юридик шахснинг ўзи ташкил қилади. Савдо ваколатхонаси мазкур мажбуриятларнинг бажарилишида амалий ёрдам кўрсатади холос.

Амалий ёрдам кўрсатиш эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар билан чет элдаги хўжалик юритувчи субъект ўртасида муайян маълумотларни ўзаро алмашишда кўмаклашиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилиши аҳволи юзасидан ўзаро тезкор алоқалар ўрнатишни таъминлашда намоён бўлади.

Иккинчидан, савдо ваколатхонаси чет элдаги юридик шахс номидан тузиши мумкин бўлган шартномалар доираси чекланган бўлиб, бу савдо ваколатхонасининг раҳбарига берилган ишончномада айнан кўрсатилади. Одатда, савдо ваколатхонасининг раҳбари унча йирик бўлмаган шартномалар тузиши мумкин, яъни савдо ваколатхонасининг раҳбари баҳоси унга берилган ишончномада кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлган шартномалар тузишга ҳақли эмас.

Учинчидан, савдо ваколатхонаси хорижий юридик шахс билан жойлашув мамлакатадаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартномалар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, вужудга келган низоли ҳолатлар юзасидан тегишли судларга даъво аризаси билан мурожаат этиши ва ушбу даъво аризаси юзасидан хорижий юридик

шахсининг вакили сифатида қатнашиши мумкин. Бироқ, таъкидлаш жоизки, амалиётда мазкур ҳолатлар жуда кам учрайди ва бундай ҳолларда асосан хорижий юридик шахсининг алоҳида тайинланган бошқа вакили иштирок этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ФК 1176-моддасида чет эл юридик шахси ўз органи ёки вакилининг битим тузиш ваколатларидаги чет эл юридик шахсининг органи ёки вакили битим тузган мамлакатнинг ҳуқуқи учун номаълум бўлган чекловларни важ қилиб келтириши мумкин эмас деган қоида ўрнатилган. Ушбу қоидага асосан савдо ваколатхонаси томонидан тузилган битимлар юзасидан хорижий юридик шахс жавобгар бўлади ҳамда хорижий юридик шахс савдо ваколатхонасининг Низомида ёки ваколатхона раҳбарига берилган ишончномада кўрсатилган битим тузиш юзасидан қўйилган чекловлардан ташқари янги чекловларни, савдо ваколатхонаси томонидан тузилган битимларга нисбатан важ қилиб кўрсатишга ҳақли бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, хорижий юридик шахс томонидан тасдиқланадиган савдо ваколатхонаси тўғрисидаги Низомда ва ваколатхона раҳбарига бериладиган ишончномада битимлар тузиш билан боғлиқ бўлган барча қоидалар, шу жумладан чекловлар ҳам аниқ кўрсатиб қўйилиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида савдо ваколатхоналари томонидан тижорат хусусиятидаги шартномаларни имзолаш тақиқланади (Сингапур Республикаси, Япония). Уларнинг фикрича, савдо ваколатхонаси томонидан бундай шартноманинг имзоланиши уларнинг тижорат фаолиятига киришганлигини англатади ва бу эса қонун нормаларига зиддир³⁷.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонаси ўз фаолиятининг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан турли хил нотижорат битимлари тузиш, жойлашув мамлакатларидаги ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, фойда олишга қаратилмаган фуқаролик-шартномавий ҳуқуқий муносабатларга ҳам киришиши мумкин.

³⁷ Memorandum on Registering a Representative Office in Singapore.// www.kcpartnership.com

Хусусан, савдо ваколатхонаси уни ташкил этган юридик шахс томонидан бериладиган мол-мулкка эга бўлади, шунингдек савдо ваколатхонаси унинг ҳисоб рақамидаги хорижий юридик шахс томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига жойлашув мамлакати ҳудудида муайян мол-мулк, жумладан савдо ваколатхонаси ходимлари учун иш биноти, хориждан жалб қилинган ходимлар учун яшаш биноти, транспорт воситалари сотиб олиши ёки уларни ижарага олиши мумкин.

“Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низомнинг 35-банди талабига мувофиқ савдо ваколатхонаси ўз эҳтиёжлари учун қилинган қуйидаги харажатларни қоплаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга оширишга ҳақлидир:

- ўз вакилликни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар;
- савдо ваколатхонаси эҳтиёжлари учун товар-моддий бойликлар харид қилиш бўйича сарф-харажатлар;
- савдо ваколатхонаси ходимларининг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар;
- мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича суғурта бадалларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар;
- савдо ваколатхонаси ходимларининг хизмат сафари харажатлари;
- юклар, почта жўнатмалари ва даврий нашрларни жўнатиш ва етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар;
- бино ижараси, алоқа тармоқлари ижараси, коммунал тўловлар ва бошқалар билан боғлиқ бўлган харажатлар.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банк ҳисоб-китоб муносабатлари қуйидаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли Қарори³⁸ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида

³⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 18-сон, 229-модда.

очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги **Йўриқноманинг** 3-бандига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда **миллий ва чет эл валютасидаги** талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, шунингдек, жамғарма, муддатли, ссуда ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу билан бирга, ушбу Йўриқноманинг 16-бандига кўра норезидент юридик шахслар (чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари), шунингдек норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган доимий муассасалари миллий ҳамда чет эл валюталарида ҳисобварақлар очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) белгиланган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи кўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча;

г) норезидент юридик шахс номидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат).

Савдо ваколатхоналари ҳисоб-китобларни хорижий юридик шахс томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига амалга оширадилар.

“Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низомнинг 32-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 05.09.1998 231-сон Қарори билан тасдиқланган “Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон

Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартиби”нинг 2.3-бандига мувофиқ қуйидагилар савдо ваколатхонасининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги маблағлари манбалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эркин алмаштирилган валюта;
- хорижий фирманинг ўз қарорига кўра ваколатхона ихтиёрида қоладиган Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги маблағлар;
- хорижий юридик шахс (бош ташкилот)нинг Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларидаги “лоро” ҳисобрақамларидан тушган маблағлар;
- ҳомийлик ва молиявий ёрдам сифатида ажратилган маблағлар;
- қонунчиликда белгиланган тартибда ажратиладиган бошқа маблағлар.

Савдо ваколатхонаси хорижий юридик шахс томонидан ажратилган эркин алмаштириладиган хорижий валютада ҳам маблағларга эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1998 йил 5 сентябрь, № 232 Қарори билан тасдиқланган “Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритилиши тартиби”нинг 3.2-банди талабига кўра савдо ваколатхонасининг чет эл валютасидаги ҳисобварағига қуйидаги манбалар бўйича чет эл валютасидаги маблағлар ўтказилиши мумкин:

а) савдо ваколатхонасининг номига чет элдан, шунингдек унинг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларидан ўтказилган чет эл валютасидаги маблағлар;

б) ваколатли банклар томонидан қуйидагилар бўйича тўланиши лозим бўлган чет эл валютасидаги маблағлар:

савдо ваколатхонасининг номига чет элдан жўнатилган тўлов ҳужжатлари бўйича;

савдо ваколатхонаси томонидан чет элдан олиб кирилган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари, пластик ва кредит карталари бўйича;

банкка тақдим қилинган, номи кўрсатилган, келгусида бошқа ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлмаган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари бўйича маблағлар.

в) нақд пул шаклидаги чет эл валютасидаги қуйидаги маблағлар:

савдо ваколатхонаси томонидан чет элдан олиб кирилган ва божхона органларида рўйхатга олинган ёхуд савдо ваколатхонасига хизмат кўрсатувчи ваколатли банкнинг номига конверт орқали чет элдан жўнатилган маблағлар;

божхона декларациясини тўлдириш талаб қилинмайдиган ҳолларда божхона органларида рўйхатга олинмаган ҳолда олиб келинган маблағлар;

савдо ваколатхонасининг номига чет элдан почта жўнатмаси сифатида юборилган маблағлар.

в¹) қонунчиликда белгиланган тартибда авиачипталарни реализация қилишдан тушган маблағлар.

г) қонунчиликда белгиланган тартибда нақд пул шаклида ўтказилган ёки олинган бошқа маблағлар.

Савдо ваколатхонаси ўзининг ихтиёридаги барча (миллий ва хорижий валютадаги) маблағлардан, шунингдек бошқа мол-мулклардан фақат ўзининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган нотижорат мақсадлар учун фойдаланиши мумкин.

Шундай қилиб, чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари билан жойлашув мамлақатидаги бошқа ташкилотлар ўртасидаги фуқаролик-шартномавий ҳуқуқий муносабатларнинг яна бир хусусияти нотижорат мақсадларни рўёбга чиқаришни назарда тутган ҳолда ўз фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-ҳуқуқий битишувлардан иборат ҳисобланади.

Чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари меҳнат ҳуқуқий муносабатларда бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, савдо ваколатхонаси томонидан хорижий давлат фуқаросини ишга жалб қилиш, шунингдек савдо ваколатхонаси раҳбарининг фаолиятини ташкил этиш

билан боғлиқ бўлган меҳнат муносабатларини тартибга солиш алоҳида тартибда амалга оширилади. Бу борада қуйидаги хусусиятларни қайд этиш мумкин:

- савдо ваколатхонасининг раҳбари хорижий юридик шахс томонидан бериладиган ишончнома ва ўзининг ваколатлари баён этилган ваколатхона тўғрисидаги Низом асосида ҳаракат қилади;

- савдо ваколатхонасининг ходимлари ҳам хорижий фуқаролардан, ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан иборат бўлиши мумкин;

- савдо ваколатхонасига ишга қабул қилинган хорижий фуқаролар белгиланган тартибда аккредитация қилиниши лозим;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонасига ишга қабул қилишни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг хориждан жалб қилинган ходимларини аккредитация қилиш “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низом (26-33 бандлари) талабларига мувофиқ савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан амалга оширилади. Унга кўра савдо ваколатхонасининг бошлиғи ёки у вакил қилган шахс тегишли ишончнома асосида хорижий ходимларни аккредитация қилиш бўйича ишларни юритади.

Хорижий ходимни аккредитация қилиш учун савдо ваколатхонаси аккредитация қилувчи органга вакил қилинган шахс (ваколатхона бошлиғи ёки хорижий фирма раҳбари) томонидан имзоланган ёзма ариза тақдим этади.

Хорижий ходимни аккредитация қилиш учун бериладиган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- а) ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган икки нусхадаги шахсий варақа;

б) иккита фотосурат (3x4 ўлчамда);

в) белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган, ваколатли шахс томонидан имзоланган ваколатхонага ишга қабул қилиш тўғрисидаги хат;

г) ОИВ (одамнинг иммунитет танқислиги вируси) касаллиги йўқлиги тўғрисидаги сертификат;

д) хорижий ходимнинг миллий паспорти нусхаси.

Аккредитация қилувчи орган хорижий ходимни аккредитация қилиш юзасидан ижобий қарор қабул қилган тақдирда, хорижий ходимни аккредитация қилиш тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб **ўн иш куни** мобайнида шахсий аккредитация карточкасини беради. Хорижий ходимнинг шахсий аккредитация карточкаси шахсий аккредитацияни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, аккредитация қилинган хорижий ходимлар фақат ушбу аккредитация қилинган савдо ваколатхонасидагина Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг рухсатномасини олмасдан меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақли бўладилар.

Низомнинг 32-банди талабига кўра хорижий ходимни аккредитация қилиш ваколатхона аккредитация қилинган муддатга амалга оширилади, бироқ у унинг амалда бўлиш муддатини кейинчалик узайтириш мумкинлиги шарти билан ўн икки ойдан ошиб кетмаслиги лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига кириш визалари хорижий ходимларга улар аккредитация қилинган муддатга берилади, бироқ у аккредитация карточкасига асосан ўн икки ойдан ошиб кетмаслиги лозим. (Низом 33-банд)

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхонасининг фаолиятини тартибга солишда солиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳам бир қатор хусусиятларга эга. Жумладан:

- савдо ваколатхонаси Низомнинг 8-бандига мувофиқ солиқ тўловчи ҳисобланмайди. Шуни таъкидлаш жоизки, Низомнинг мазкур қоидаси савдо

ваколатхонасининг ўзи алоҳида ҳуқуқ субъекти ҳисобланмаганлиги сабабли уни солиқ тўловчи сифатида эътироф этмайди. Бироқ, савдо ваколатхонасини ташкил этган хорижий юридик шахс солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда солиқ тўловчи ҳисобланади;

- хорижий юридик шахсга, савдо ваколатхонасининг хорижий ва маҳаллий ходимларига солиқ солиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

- савдо ваколатхонаси қонунга мувофиқ солиқ тўловчи ҳисобланмаса-да, бироқ амалда у барибир солиқ мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга оширади. Чунки, хорижий юридик шахс ўзининг мазкур алоҳида бўлинмасининг ҳамда бевосита ўзининг солиқ мажбуриятлари бўйича тўловларни ваколатхонасининг жорий ҳисобрақамларидаги қолдиқ маблағлар ҳисобидан амалга оширади;

- чет эл юридик шахси ўзининг савдо ваколатхонаси фаолияти юзасидан асосан мол-мулк солиғи, ваколатхона ходимларига меҳнат шартномалари бўйича тўланадиган ойлик тўловларидан чегириб қолган ҳолда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси³⁹ 168-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ҳисобланган жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига Солиқ кодексининг 182-моддасида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ва ставкалар бўйича солиқ солинади. Унга кўра чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг хорижий ходимларига Ўзбекистон Республикасида олинган даромадлари манбаидан олинган, даромадларига манбада чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича

дивидендлар ва фоизларга - 10 фоиз;

интеллектуал мулк объектларига бўлган мулкый ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказганлик учун мукофот, ижара бўйича даромадларга ҳамда ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, меҳнат

³⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон.

шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга шартномалар бўйича олинган бошқа даромадларга - 20 фоиз миқдорда солиқ солинади.

- чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари солиқ ҳуқуқий муносабатларда коллизия нормага биноан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилади.

Савдо ваколатхоналарининг солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида Низомнинг 9-банди талабига мувофиқ аккредитация қилувчи орган аккредитация қилинган савдо ваколатхонаси тўғрисидаги ахборотни, унда уларнинг манзилни ва ваколатхонани аккредитация қилиш тўғрисидаги сертификатнинг муддатини кўрсатган ҳолда, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига жўнатади, шунингдек ваколатхона фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор тўғрисида ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига белгиланган тартибда маълум қилади (Низом 40-банди).

Айрим хорижий мамлакатлар, хусусан Сингапур Республикаси қонунчилигида савдо ваколатхонаси, башарти махсус битим асосида солиқ мажбуриятларидан озод этилмаган бўлса, харажатлари умумий қийматининг 5% миқдорида солиққа тортилиши мумкин деган қоида ўрнатилган. Бунда улар савдо ваколатхонаси жойлашув мамлакатада турли хил маркетинг тадқиқотлари олиб бориши натижасида тўпланган ахборот-таҳлилий маълумотлар асосида консалтинг хизматлари кўрсатиши мумкин, шунингдек ваколатхона томонидан асосий юридик шахс учун бажарилаётган мазкур вазифалар ҳам аслида шундай хизмат кўрсатиш ҳисобланади деган презумпцияга тайаянишади.

Бу борада бир жиҳат ҳақиқатдан ҳам эътибога лойиқ, яъни чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари, шу жумладан савдо ваколатхоналари томонидан жойлашув мамлакати ҳудудида маркетинг тадқиқотлари олиб борилиши натижасида муайян ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрланади ва бундай маълумотлар мазкур мамлакатга кириб

келаётган янги инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Башарти ваколатхоналар мазкур маълумотларни муайян ҳақ эвазига тақдим этса, мазкур ҳолат ҳақиқий маънода тижорат фаолиятини англатади. Шу маънода, савдо ваколатхоналари ҳам тижорат фаолиятини амалга ошириши мумкин деган хулоса қилиш мумкин.

Чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари бошқа маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда асосан уларни аккредитация қилувчи орган билан ўзаро алоқалар олиб боради. Жумладан, Низомнинг 24-бандига кўра савдо ваколатхонаси раҳбари аккредитация қилувчи органга белгиланган шаклда ваколатхона фаолияти тўғрисида ҳар йили бир марта ахборот тақдим этади.

II боб бўйича хулоса

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини умумлаштирган ҳолда қуйидагилар тўғрисида хулоса қилиш мумкин:

Чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхоналари хорижий юридик шахснинг ваколатхонаси сифатида улар очилган мамлакат ҳудудида аккредитация қилингандан кейин ташкил қилинган ҳисобланади.

Чет эл юридик шахслари фуқаролик-шартномавий ҳуқуқий муносабатларда савдо ваколатхонаси раҳбари тимсолида унга берилган ишончнома асосида ва бевосита ишончномада белгиланган ваколатлар доирасида иштирок этади.

Хорижий юридик шахс ўзининг савдо ваколатхонаси томонидан имзоланган битимлар юзасидан тўлиқ жавобгар бўлади ва бунда у савдо ваколатхонасининг битим тузиш ваколатларидаги битим тузган мамлакатнинг ҳуқуқи учун номаълум бўлган чекловларни важ қилиб келтириши мумкин эмас. Шунинг учун хорижий юридик шахс томонидан тасдиқланадиган савдо ваколатхонаси тўғрисидаги Низомда ва ваколатхона раҳбарига бериладиган ишончномада битимлар тузиш билан боғлиқ бўлган барча қоидалар, шу жумладан чекловлар ҳам аниқ кўрсатиб қўйилиши лозим.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларда ваколатхонанинг хорижий ходимларига нисбатан ишга қабул қилишни расмийлаштириш масалалари бўйича алоҳида ҳуқуқий режим қўлланилади, унга кўра хориждан жалб қилинадиган ходимлар ваколатли органда аккредитация қилиниши лозим.

Солиқ ҳуқуқий муносабатларда чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги туфайли фойда солиғи тўловчиси ҳисобланмайди, бироқ хорижий юридик шахс ваколатхона фаолиятини ташкил қилиш мақсадида ўз номига сотиб олган кўчмас мулклар бўйича мулк солиғи ҳамда ваколатхона ходимларига меҳнат шартномалари бўйича тўланадиган иш ҳақи фондидан чегириб қолган ҳолда жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлайди. Шунингдек, савдо ваколатхонасининг хорижий ходимларига нисбатан даромад солиғини тўлашда алоҳида қоидалар қўлланилади.

Чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари, шу жумладан савдо ваколатхоналари томонидан жойлашув мамлакати ҳудудида маркетинг тадқиқотлари олиб борилиши натижасида тўпланган ахборот-таҳлилий маълумотлар асосида консалтинг хизматлари кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолларда савдо ваколатхонаси тижорат фаолиятини амалга оширган ҳисобланади ва у солиқ тўловчи сифатида топилиши лозим.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ САВДО ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

3.1 Хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонда чет эл юридик шахсларининг алоҳида таркибий бўлинмаларини ташкил этиш масалалари.

Ўзбекистон Республикасида чет эл тижоратчи юридик шахсларнинг фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижоратчи юридик шахслар:

- 1) фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклда юридик шахс тузган ҳолда;
- 2) ўзининг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида ваколатхона ташкил қилган ҳолда фаолият кўрсатишлари мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадини кўзлайдиган хорижий тижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклда юридик шахс тузадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадини кўзламайдиган хорижий тижорат ташкилотлари ўзининг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида ваколатхона ташкил қиладилар.

Ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл тижоратчи ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларига доир қуйидаги ҳолатларни қайд қилиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида БМТ Тараққиёт дастурининг “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик” лойиҳаси доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган хулосаларга кўра Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган инвестиция дастурларида иштирок этиш истагини билдирган хорижий

тижоратчи ташкилотларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини ташкил қилиш мақсадида ўзларининг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида филиал очишни хоҳлайдилар⁴⁰.

Бирок, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, унда чет эл тижоратчи юридик шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўзининг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида филиал ташкил қилишни тартибга солувчи ҳуқуқий норма мавжуд эмаслигини аниқлашимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни⁴¹ 14-моддаси талабига кўра хорижий юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат ваколатхоналар очишга ҳақлидирлар ҳолос.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни⁴² 7-моддасига мувофиқ чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган** шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу моддада қайд этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона бевосита хорижий тижорат ташкилотлари (яъни, чет эл тижоратчи юридик шахслари)ни назарда тутмайди, балки мазкур Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини

⁴⁰ Пояснительная записка. Проект ПРООН “Поддержка системы местного управления: гражданское участие и партнерство”. Авторский коллектив: Базаров А., Алимов С., Норов Х. – <http://www.undp.uz>

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда.

чет эл инвестициялари ташкил этадиган айнан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатишлари мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар туфайли ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини ташкил қилиш мақсадида мамлакатимизга кириб келаётган хорижий тижорат ташкилотлари томонидан масъулияти чекланган жамият шаклида юридик шахс ташкил қилиш ёки ўзининг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида ваколатхона очиш амалиёти кенг тарқалган.

Масалан, Жанубий Кореянинг йирик қурилиш ташкилотларидан бири “Устюрт газ-кимё мажмуаси”нинг қурилиш лойиҳасида иштирок этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ўзининг филиалини очишга қарор қилган. Бироқ, амалдаги қонунчилик талабига мувофиқ ушбу компания ўзининг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида ваколатхона ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси⁴³ 47-моддасида юридик шахсларнинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида ваколатхона ва филиал тўғрисидаги умумий қоидалар белгиланган бўлиб, уларни ҳуқуқий таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш ўринли деб ҳисоблаймиз:

Ўзбекистон Республикаси ФК 47-моддаси 3-қисми талабига кўра, одатда, ваколатхона ва филиал юридик шахс ҳисобланмайди. Бироқ, мазкур қоида қатъий характерга эга эмас, яъни кодексда **“агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса,** ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди”

деган норманинг мустаҳкамланганлиги туфайли ваколатхона ва филиалларга юридик шахс мақомини тақдим этиш мумкин деган мантиқий хулоса қилиш имкони туғилади ва биз юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.

ташкил этиш мумкинлиги тўғрисидаги норма белгиланганлигини кузатишимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, қонунчилигимизда филиалга нисбатан юридик шахс ҳуқуқларининг тақдим этилиши тўғрисидаги бундай норманинг мустаҳкамланганлиги, филиал томонидан уни ташкил этган юридик шахснинг хўжалик ва бошқа фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган ҳамда юридик шахс кўрсатмаларига асосан ва унинг манфаатларини ифода этган ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга оширилишини кўзлайди:

- шартномавий муносабатларда ўз номидан мустақил катнашиш;
- юридик шахс томонидан унинг тасарруфига берилган, шунингдек ўзининг хўжалик фаолияти натижасида орттирган маблағлар ҳисобига муайян мол-мулкка эга бўлиш ва уларни бошқариш;
- ўзи тузган шартномалар юзасидан вужудга келган низолар бўйича судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш.

Шу билан бирга, қонунда ваколатхона ва филиалларга юридик шахс мақомини тақдим этиш тартиби фақат қонун билан белгилаб қўйилиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёт нуқтаи назаридан ваколатхона ва филиаллар ҳуқуқий моҳиятига кўра амалда битта ҳуқуқ субъекти, яъни уни ташкил этган юридик шахснинг бир бўлаги, қисми ҳисобланиб, улар юридик шахснинг манфаатларини ифода этиш ҳамда уларни бевосита амалга ошириш мақсадида тузилади ва шунга хизмат қилади. Юридик шахслар томонидан филиал ва ваколатхоналар ташкил этишдан асосий мақсад юридик шахснинг ташкилий бирлигини, яхлитлигини таъминлаш ҳисобланади. Шу билан бирга, фуқаролик ҳуқуқининг ушбу институтлари муайян юридик шахсни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадларни филиал ва ваколатхоналар очиладиган ҳудудда ҳам бир хилда амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур тузилмаларга юридик шахс мақомини тақдим этиш эса амалда ушбу мақсадларни истисно қилиши мумкин. Негаки, ваколатхона ва

филиалга юридик шахс мақоми тақдим этилиши моҳиятан янги ҳуқук субъектининг вужудга келишини англатади ва бунда ягона манфаатларни ифода этиш мақсади ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Ушбу масаланинг бошқа бир жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, ваколатхона ва филиалларни ташкил этиш аксарият ҳолларда ҳудудий омиллар туфайли асосланади, уларнинг фаолияти оқибатида вужудга келадиган ҳуқуқий жавобгарлик масалалари – судда жавобгар сифатида ишга жалб қилиш, уларнинг мол-мулкига ундирувни қаратиш ва бошқа шу каби ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш заруратидан келиб чиқиб, ваколатхона ва филиалларга нисбатан юридик шахслар тўғрисидаги қоидаларни қўллашга эҳтиёж туғилиши мумкин. Бу эса мазкур турдаги низоларни ҳал қилишда ортиқча харажатлар (асосий юридик шахс жойлашган жойга тегишли вакилларни жўнатиш, қўшимча вақт сарфлаш ва бошқа масалалар билан боғлиқ харажатлар)ни тежаш имконини беради. Ушбу нуқтаи назардан Фуқаролик кодексининг 47-моддасида филиал ва ваколатхоналарга юридик шахс ҳуқуқларининг тақдим этилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида билан белгиланганлиги мақсадга мувофиқдир. Бироқ, ушбу қоида юқорида қайд этилганидек, фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтган юридик шахсларга нисбатан қўлланилади.

Хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда қуйидаги ҳолатларни қайд қилиш мумкин.

Япониянинг “Хўжалик жамиятлари тўғрисида”ги Қонуни⁴⁴ VI бўлимида хорижий юридик шахсларнинг Япониядаги алоҳида таркибий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Унга кўра хорижий юридик шахслар Японияда:

- 1) юридик шахс тузмаган ҳолда – ваколатхона ва филиал;
- 2) юридик шахс тузган ҳолда – акциядорлик (*Kabushiki-Kaisha*) ва масъулияти чекланган жамият (*Godou-Kaisha*)лар шаклида хорижий корхона;

⁴⁴ Japanese Companies Act. No. 86 of July 26, 2005//www.japanlaw.info

3) юридик шахс тузган ҳолда – масъулияти чекланган ширкат (*Yugen Sekinin Jigyō Kumiai*) шаклида қўшма корхона ташкил қилган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Чет эл юридик шахсларининг **ваколатхоналари** келгусида компаниянинг Япониядаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш имкониятларини ўрганиш ва унга ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрлаш мақсадида ташкил қилинади. Ваколатхона маркетинг тадқиқотлари олиб бориши, маълумотлар йиғиши, рекламалар ўтказиши мумкин, бироқ улар савдо ва ҳар қандай тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Ваколатхонани аккредитация қилиш талаб қилинмайди. Шунингдек, ваколатхона ўзининг номидан банк ҳисобварақлари очиши, кўчмас мулкни ижарага олиши мумкин эмас. Ушбу масалалар юзасидан шартномаларни чет элдаги юридик шахс ёки ваколатхона раҳбарининг ўзи ўз номидан тузиши мумкин.

Чет эл юридик шахсларининг Япониядаги филиали ваколатхонадан фарқ қилган ҳолда “Хўжалик жамиятлари тўғрисида”ги Қонун 818-моддасига биноан давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Шу билан бирга хорижий юридик шахс томонидан Японияда ўзининг филиалини очиш бирмунча осонроқ. Филиал хорижий юридик шахс хўжалик фаолиятининг барча функцияларини амалга ошириши мумкин, филиалнинг ўзига хос хусусияти у юридик шахс ҳисобланмаслиги туфайли мустақил қарор қабул қилиш ваколати тўла чет эл ташкилоти ихтиёрида қолиши ҳамда хорижий юридик шахс филиалнинг фаолияти билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлишида намоён бўлади. Ваколатхонадан фарқли равишда филиал ўзининг номидан банк ҳисобварақлари очиши, кўчмас мулкни ижарага олиши мумкин.

Сингапур Республикасининг “Хўжалик жамиятлари тўғрисида”ги Қонуни⁴⁵ XI бўлими 2 боби хорижий тижорат ташкилотларининг Сингапур Республикасидаги фаолиятини ташкил қилиш ва уни амалга ошириш билан

⁴⁵ Singapore Companies Act. (Chapter 50). 29th December 1967.// www.kcpartnership.com

боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий хусусиятдаги масалаларни тартибга солади. Ушбу қонунга мувофиқ чет эл тижорат юридик шахслари Сингапур Республикаси ҳудудида **хорижий корхона, филиал ёки ваколатхона** ташкил қилишлари мумкин.

Хорижий корхона Сингапур Республикасида янги тузилган, устав капитали тўлиқ хорижий инвестор (юридик шахс) томонидан шакллантирилдиган, масъулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахс ҳисобланади. Чет эл тижоратчи юридик шахс хорижий корхонанинг тўлиқ мулкдори бўлишига қарамай хорижий корхона ундан алоҳида ҳуқуқ субъекти ҳисобланади ҳамда улар бир-бирининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Хорижий корхонанинг номи таъсисчи ташкилотнинг номини сақлаб қолиши мумкин, бироқ у рўйхатга олувчи орган томонидан тасдиқланиши лозим. Хорижий корхона ўзининг доимий манзилига, камида битта резидент ходимга эга бўлиши шарт ҳамда у солиқ тўловчи ҳисобланади, шунингдек уларга нисбатан солиқ мажбуриятлари бўйича имтиёзлар қўлланилади. Шу туфайли хорижий корхона Сингапур Республикасида тижорат фаолиятини амалга ошириш мақсадини кўзлайдиган, кичик бизнес субъектлари бўлган чет эл ташкилотлари учун ўз фаолиятини ташкил қилишнинг энг қулай шакли ҳисобланади.

Сингапур Республикаси қонунчилигига мувофиқ **филиал** хорижий корхонага ўхшаб, юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Бироқ, филиал хорижий корхонадан фарқли равишда хорижий таъсисчи юридик шахсдан алоҳида субъект сифатида қаралмайди ҳамда хорижий юридик шахс филиал фаолияти билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан жавобгар ҳисобланади.

Филиал хорижий юридик шахснинг номини сақлаб қолиши ҳамда у рўйхатдан ўтишидан олдин тасдиқланиши лозим.

Сингапур Республикасининг “Хўжалик жамиятлари тўғрисида”ги Қонуни талабига кўра филиал давлат органлари билан бўладиган алоқалар

бўйича ишларни юритувчи иккита резидент ходимга ҳамда ўзининг доимий манзилига эга бўлиши шарт.

Филиал асосий ташкилотнинг фаолияти доирасига кирувчи барча тижорат фаолияти билан шуғулланиши ҳамда олинган даромадларни чет элга олиб кетиши мумкин. Сингапур Республикаси солиқ қонунчилигига кўра филиал норезидент ҳисобланганлиги туфайли улар резидент юридик шахслар, шунингдек хорижий корхоналарга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялардан фойдалана олмайдилар. Шу билан бирга, филиалнинг Сингапур Республикаси ҳудудидан ташқаридаги фаолияти натижасида олинган даромадлари солиқ объекти доирасига кирмайди ва у фақат Сингапур Республикаси ҳудудида олинган даромадлари доирасида солиқ тўлайди. Филиал ўзининг йиллик ҳисоботи билан бирга асосий юридик шахснинг ҳам йиллик ҳисоботларини тақдим қилиши шарт. Таъкидлаш жоизки, Сингапур Республикаси ҳудудида филиал очиш кичик бизнес субъектлари бўлган чет эл ташкилотлари учун жуда қулай танлов эмас.

Сингапур Республикаси ҳудудида фақат маркетинг тадқиқотлар олиб бориш ҳамда фойда олишга қаратилмаган ҳар қандай бошқа фаолиятни амалга оширишни кўзлайдиган хорижий юридик шахслар ўзларининг **ваколатхоналарини** очишлари мумкин. Ваколатхона юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлмаган вақтинча ташкил қилинадиган алоҳида бўлинма бўлиб, у шартномалар тузиши, бевосита ўзи ёки чет эл юридик шахси номидан савдо фаолиятини амалга ошириши, омборларни ижарага олиши, тўлов чеклари бериши ёки олиши, аккредитив очиши ва шу каби бошқа операцияларни амалга ошириши мумкин эмас. Ваколатхона фақат чет эл юридик шахснинг манфаатларини рўёбга чиқариш имкониятларини аниқлаш мақсадида маркетинг тадқиқотлари ўтказиши мумкин.

Хорижий юридик шахс ваколатхона фаолияти билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар юзасидан жавобгар ҳисобланади. Ваколатхона ходимлари хорижий юридик шахс томонидан тайинланади, шуниндек ваколатхона

техник вазифаларни бажариш учун бештадан ортиқ бўлмаган миқдорда маҳаллий ходимларни ҳам жалб қилиши мумкин.

Сингапур Халқаро Ташкилотлар агентлиги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа тижорат (банк, молия, суғурта соҳаларидан ташқари) соҳаларидаги хорижий компанияларнинг ваколатхоналарини аккредитация қилувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекитон Республикаси қонунчилигидан фақрли равишда Сингапур Республикасининг қонунчилигига мувофиқ чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга очилиши мумкин. Уч йилдан кейин ваколатхона филиал ёки хорижий корхона шаклида қайта ташкил этилиши ёки умуман тугатилиши шарт⁴⁶.

Франциянинг Савдо кодекси 2-бўлим 2-боби L122-3 моддаси талабига биноан Франция ҳудудида қуйидаги тузилмаларнинг аъзоси бўлган давлатда рўйхатдан ўтган хорижий юридик шахслар ўзининг филиал, ваколатхона ёки шўъба корхонасини очишлари мумкин:

- 1) Европа Иттифоқи;
- 2) Европа Иқтисодий Зонаси;
- 3) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти⁴⁷.

Германиянинг қонунчилигига мувофиқ хорижий тижорат ташкилотлар Германияда ўзининг фаолиятини ташкил қилиш мақсадида алоҳида таркибий бўлинма сифатида ваколатхона, филиал очиши ёки шўъба корхона ташкил қилишлари мумкин⁴⁸.

Филиал – "Zweigniederlassung" юридик шахс ҳисобланмайди ва асосий юридик шахс филиалга нисбатан кредиторлар томонидан билдириладиган барча талаблар юзасидан ўзига тегишли мол-мулк доирасида жавобгар бўлади. Филиал бошқа барча хорижий тижорат тузилмалари қаторида Германия Савдо реестрида рўйхатдан ўтиши лозим. Филиал хорижий юридик

⁴⁶ Memorandum on Registering a Representative Office in Singapore.// www.kcpartnership.com

⁴⁷ Order No. 2004-279 of 25 March 2004 Art. 1 2 Journal officiel de la République française of 27 March 2004.// www.legifrance.gouv.fr

⁴⁸ Unternehmensgesetzbuch. January 1, 2007. // www.cgerli.org

шахснинг номини тўлиқ сақлаган ҳолда рўйхатдан ўтиш жойи номини ҳам акс эттириши лозим. Филиал банк ҳисобварақлари очиши, асосий юридик шахс функцияларининг барчаси ёки бир қисмидан иборат бўлган тижорат фаолиятини амалга ошириши мумкин. Шу туфайли филиал фойда солиғи тўловчиси ҳисобланади ва у солиқ органларида рўйхатдан ўтиши шарт. Шунингдек, филиал солиқ органлари билан бўлган муносабатларда ўзининг резидент вакили орқали ҳаракат қилиши талаб қилинади.

Шу билан бирга, Германияда филиалнинг фаолияти билан боғлиқ қўйидаги ноафзалликларни қайд қилиш мумкин:

- хорижий компанияларнинг филиаллари томонидан Германияда банк ҳисобварақлари очишда муайян қийинчиликлар мавжуд;
- миллий тадбиркорлар хорижий компаниянинг филиали билан ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдирмайдилар;
- лицензия олишни талаб қиладиган айрим соҳаларда филиалнинг фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди;
- асосий юридик шахс филиалнинг барча ҳаракатлари бўйича тўлиқ жавобгар ҳисобланади;
- филиалнинг раҳбари солиқ мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўлиши мумкин;
- филиал билан биргаликда асосий юридик шахс ҳам ўзининг молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тақдим қилиши шарт.

Чет эл юридик шахсларининг Германиядаги ваколатхонаси хорижий компаниянинг Германиядаги потенциал инвестициявий имкониятларини ўрганиш мақсадида ташкил қилинади. Ваколатхона хорижий тижоратчи ташкилот билан миллий ҳамкорлар ўртасида алоқалар ўрнатишда мухтор вакил вазифасини бажаради. Ваколатхона юридик шахс ҳисобланмайди. Шу туфайли у шартномалар тузиши, асосий ташкилот номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб тижорат фаолиятини амалга ошириши мумкин эмас. Ваколатхона фақат потенциал миллий ҳамкорларга хорижий компания тўғрисида маълумотлар бериш, ўзаро алоқалар ўрнатилишида кўмаклашиш,

хорижий компаниянинг Германиядаги фаолиятини мувофиқлаштириш, маркетинг тадқиқотлари олиб бориш каби вазифалар билан шуғулланиши мумкин.

Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Федерал Қонуни⁴⁹ 4-моддаси 3-қисмида чет эл юридик шахслари Россия Федерацияси ҳудудида ўзининг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида филиал ташкил қилиши мумкинлиги тўғрисидаги норма белгиланган. Шунингдек, Россия Федерацияси ҳудудида очилган хорижий юридик шахснинг филиали унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини бажаради, башарти асосий юридик шахснинг фаолият мақсади тижорат хусусиятига эга бўлса ҳамда асосий юридик шахс филиалнинг барча мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлса.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш натижасида олинган хулосаларни умумлаштирган ҳолда қайд қилиш мумкинки, аксарият ривожланган мамлакатлар қонунчилигида чет эл тижоратчи юридик шахсларнинг фаолиятини ташкил қилишда, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмаси сифатида *филиал* ҳамда *ваколатхона* очишни назарда тутувчи ҳуқуқий нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Бирок, бунда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозимки, айрим хорижий давлатларда (Сингапур, Германия) хорижий юридик шахслар томонидан филиал орқали фаолият кўрсатиш иқтисодий жиҳатдан ноафзалликларга эга. Шунингдек, айрим хорижий давлатлар қонунчилигида филиал очиш назарда тутилмаган (Чехия, Беларусь Республикаси).

Шу билан бирга, ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида чет эл тижоратчи юридик шахслар учун ўз фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилашда кенг танловлар таклиф қилинади. Хорижий инвестор улардан ўз манфаатига мос ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлайди.

⁴⁹ Федеральный закон "Об иностранных инвестициях в Российской Федерации" от 09.07.1999 N 160-ФЗ (ред. от 03.02.2014)

Таъкидлаш жоизки, хорижий юридик шахс учун филиал ташкил қилиш солиқ ва молия ҳисоботларини тақдим қилиш ва шу каби бошқа маъмурий тартиботларнинг алоҳида режими ўрнатилганлиги туфайли унча қулай танлов бўлмаса-да, чет эллик инвесторлар юридик шахснинг ташкилий бирлигини сақлаш, компаниянинг хорижий мамлакат ҳудудидаги янги “*нусха*” сени яратишга йўл қўймаслик мақсадида филиал ташкил қилишни афзал кўрадилар.

3.2 Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини такомиллаштириш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги ҳуқуқий масалалар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги иқтисодий ислоҳотлар, жорий этилаётган янгиликларни тўлақонли рўёбга чиқариш билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июльдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4453-сон Фармони⁵⁰, 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сон Фармони⁵¹, 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сон Фармон⁵²ларида белгиланган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солишда ортиқча бюрократик тўсиқлар ва рухсат бериш тартиб-таомилларини бекор қилиш ва соддалаштириш, фаолият субъектларини давлат органларида рўйхатга қўйишнинг электрон тизимларини яратиш ва уларни жорий қилиш, уларнинг фаолиятини тартибга

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда.

⁵² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон, 163-модда.

солувчи қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф қилиш каби вазифалар айти пайтда чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий масалаларига ҳам тааллуқлидир.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат – “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низомда (кейинги ўринларда Низом) белгиланган қоидаларни, хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги қонунчилиги нормалари билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда, қайта кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ўз вазифаларини амалга ошириши мобайнида, яъни ўзи жойлашган мамлакатда маркетинг тадқиқотлари олиб бориши натижасида турли хил ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрлайди. Мазкур маълумотлардан эса фақат чет элдаги асосий юридик шахс фойдаланмасдан, балки бундай маълумотлар бошқа инвесторлар учун ҳам фойдали аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Савдо ваколатхоналари бундай маълумотларни муайян ҳақ эвазига тақдим этиш орқали консалтинг хизматлари кўрсатиши мумкин. Бироқ, консалтинг хизматлари кўрсатиш тижорат фаолияти ҳисобланиб, Низомнинг 7-банди талабига зиддир. Ундан ташқари савдо ваколатхонаси раҳбари томонидан хорижий юридик шахснинг номидан соф тижорат хусусиятидаги шартномаларнинг тузилиши, бизнинг фикримизча, билвосита тижорат фаолиятига киришиш ҳисобланади. Шу маънода, миллий қонунчилигимизда, чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини кенгайтирган ҳолда уларга тижорат фаолиятини амалга ошириш имкониятини яратиш лозим.

Бундай амалиёт хорижий мамлакатлар, хусусан Беларусь Республикаси қонунчилигида ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин, яъни Беларусь

Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1997 йил 22 июльдаги № 929 сон Қарори билан тасдиқланган “Хорижий ташкилотларнинг Беларусь Республикасидаги ваколатхоналарини очиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низом⁵³ 2-бандида хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналари тадбиркорлик фаолияти билан фақат улар вакиллигини амалга ошираётган ташкилотнинг номидан ва унинг кўрсатмалари асосида шуғулланишлари мумкин деган қоида белгиланган.

Низомнинг 18-банди талабига мувофиқ ваколатли органда аккредитация қилинган ваколатхона аккредитация қилиш тўғрисидаги сертификат олингандан кейин ўн кун муддатда:

ўзи жойлашган жойдаги солиқ органларида ҳисобда туришга ва унинг ҳисобга қўйилгани тўғрисида аккредитация қилувчи органга маълумотнома тақдим этишга мажбурдир.

Шу билан бирга Низомнинг 5-бандига биноан аккредитация қилувчи орган аккредитация қилинган (савдо) ваколатхоналар тўғрисидаги ахборотни, унда уларнинг манзилени ва ваколатхонани аккредитация қилиш тўғрисидаги сертификатнинг муддатини кўрсатган ҳолда, ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига жўнатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4455-сон Фармони 2-банди талабидан келиб чиқиб, яъни рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш мақсадида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарини аккредитация қилиш ва солиқ органларида ҳисобга қўйиш билан боғлиқ мазкур тартиботни соддалаштириш лозим деб ҳисоблаймиз. Унга кўра савдо ваколатхонасини солиқ органларида ҳисобга қўйишни ваколатхонанинг ўзи томонидан бажариш тартибини бекор қилиб, мазкур вазифани солиқ органининг ўзида, аккредитация қилувчи орган

⁵³ Зарегистрировано в Национальном реестре правовых актов Республики Беларусь 21 августа 2001 г. N 5/7253

томонидан берилган аккредитация қилинган савдо ваколатхонаси тўғрисидаги маълумот асосида амалга ошириш тартибини жорий этган ҳолда тегишли норма ишлаб чиқиш зарур. Ўз навбатида Низомнинг 18-банди иккинчи хатбошини чиқариб ташлаш лозим.

Низомнинг 10-банди талабига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ваколатхонасини очишдан манфаатдор бўлган хорижий фирма аккредитация қилувчи органга ёзма ариза тақдим қилади, мазкур аризада қуйидагилар кўрсатилади:

а) хорижий фирма фаолияти тўғрисида маълумотлар;

б) Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва ташкилотлари билан амалий ва бошқа турдаги алоқалар, бажарилишига ваколатхона кўмаклашадиган тузилган шартномалар ва битимлар тўғрисида муфассал маълумотлар;

в) ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари;

г) ваколатхонани очишга рухсатнома сўраладиган муддат.

Таъкидлаш жоизки, ушбу аризада кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати ичида яна бир муҳим маълумот, яъни чет эл юридик шахсининг ваколатхонасини очишдан кўзланган асосий мақсадни баён қилувчи маълумотлар ҳам кўрсатилиши лозим. Бу янги ташкил қилинадиган ваколатхона тўғрисида дастлабки тасаввурни хосил қилади. Шунингдек, ваколатхона фаолиятининг йўналишлари аниқлаштирилади. Умуман олганда чет эл юридик шахслари ваколатхоналарини аккредитация қилишнинг моҳияти ҳам ваколатхонанинг муайян фаолият кўрсатишига рухсат беришда ифода этади. Хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам шундай норма белгиланганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Хорижий ташкилотларнинг Беларусь Республикасидаги ваколатхоналарини очиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низоми 5-бандига биноан Беларусь Республикаси ҳудудида ўзининг ваколатхонасини очиш учун хорижий юридик шахс томонидан бериладиган аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

- ваколатхонани очишдан кўзланган асосий мақсад;
- хорижий ташкилотнинг тўлиқ номи;
- хорижий ташкилотнинг ташкил топган вақти;
- хорижий ташкилотнинг қароргоҳи жойлашган жой;
- хорижий ташкилот номидан ҳаракат қилувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар;
- ваколатхонани очишга рухсатнома сўраладиган муддат.

Германия Федератив Республикаси қонунчилигига кўра ваколатхона очиш тўғрисида бериладиган аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

- хорижий ташкилотнинг тўлиқ номи, устав капитали ва ташкилий-ҳуқуқий шакли;
- хорижий ташкилотнинг ташкил топган вақти;
- ваколатхонани очишдан кўзланган асосий мақсад;
- ваколатхона жойлашган жой;
- ваколатхонани бошқарадиган шахс тўғрисидаги маълумотлар.

Россия Федерацияси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган “Хорижий юридик шахсларнинг Россия Федерацияси ҳудудида ташкил этиладиган филиаллари ва ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом⁵⁴ 14-бандига кўра Россия Федерацияси ҳудудида ваколатхона очиш тўғрисида қарор қабул қилган хорижий юридик шахс Россия Федерацияси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат рўйхат палатасига қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ариза тақдим этади:

- хорижий юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, рўйхатдан ўтган санаси, фаолият тури;
- ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, россиялик ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

⁵⁴ Положение “О порядке аккредитации филиалов и представительств иностранных юридических лиц, создаваемых на территории Российской Федерации”(утв. Минюстом РФ 31 декабря 1999 г). //Документ официально не опубликован // СПС Консультант Плюс.

- ваколатхонани очишдан кўзланган асосий мақсад ва унинг жойлашиш жойи тўғрисидаги маълумотлар.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, ваколатхонани очиш тўғрисида бериладиган аризада уни очишдан кўзланган мақсад ҳам қисқача баён қилиниши лозим деб ўйлаймиз. Шу мақсадда Низомнинг 10-бандида белгиланган ушбу аризада кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатига тегишли қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Низомнинг 11-бандига асосан хорижий юридик шахс томонидан ваколатхона очиш тўғрисида бериладиган аризада кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларни бевосита тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида ушбу аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- a) хорижий юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;
- b) хорижий юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки савдо реестридан кўчирма;
- c) ваколатхона раҳбарига бериладиган ишончнома;
- d) ваколатхона тўғрисидаги Низом;
- e) ваколатхона ижарага олаётган бино мулкдорининг қафолат хати.

Қайд этиш лозимки, хорижий юридик шахс томонидан тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Низомнинг 14-бандига мувофиқ қасддан қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш савдо ваколатхонасини аккредитация қилишни рад этиш ёки 38-бандга мувофиқ савдо ваколатхонаси фаолиятини тўхтатиш учун асос бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, ваколатхонани очиш тўғрисидаги аризага хорижий юридик шахснинг ваколатли органи томонидан хорижий мамлакат ҳудудида (яъни, аккредитация қилиш учун ариза тақдим этилган мамлакат) ўзининг ваколатхонасини очиш тўғрисида қабул қилган қарори ҳам илова қилиниши лозим. Ушбу ҳолат ваколатхонани аккредитация қилиш юзасидан қалбаки ҳужжатлар тақдим этилишининг олдини олади. Айни пайтда бу назарий жиҳатдан ҳам асослидир, яъни олдинги бобда таъкидлаб ўтганимиздек, алоҳида таркибий бўлинмани ташкил қилиш икки босқичдан

иборат бўлади: **ички ва ташқи**. Юридик шахснинг ваколатли органи томонидан ваколатхона ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши **ички ташкил қилиш** ҳисобланади. Ваколатхонани аккредитация қилиш эса **ташқи ташкил қилиш** ҳисобланади.

Шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам шундай қоидалар ўрнатилганлигини қайд қилиш мумкин. Хусусан, Германия Федератив Республикаси қонунчилигига кўра ваколатхона очиш тўғрисида тақдим этиладиган аризага:

- ваколатхона тўғрисидаги низом;
- ваколатхона раҳбарига бериладиган ишончнома;
- хорижий юридик шахснинг Германия Федератив Республикаси

ҳудудида ваколатхона очиш тўғрисидаги қарори илова қилиниши керак.

Россия Федерацияси Адлия Вазирлигининг “Хорижий юридик шахсларнинг Россия Федерацияси ҳудудида ташкил этилган филиаллари ва ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом 14-бандига мувофиқ Россия Федерацияси ҳудудида ваколатхона ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилган хорижий юридик шахс Давлат рўйхат палатасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- хорижий юридик шахс раҳбари томонидан имзоланган ёзма ариза;
- хорижий юридик шахснинг устави;
- хорижий юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки савдо реестридан кўчирма;
- хорижий юридик шахснинг Россия Федерацияси ҳудудида ваколатхона очиш тўғрисидаги қарори;
- ваколатхона тўғрисидаги низом;
- хорижий юридик шахсга хизмат қилувчи банкнинг тўловга қобилиятлилик тўғрисидаги кафолат хати⁵⁵.

Низомнинг 24-бандида ваколатхона раҳбари ҳар йили бир марта аккредитация қилувчи органга белгиланган шаклда ваколатхона фаолияти

⁵⁵ Ўша манба.

тўғрисида ахборот юборди деган коида ўрнатилган. Мазкур нормани таҳлил қиладиган бўлсак, чет эл юридик шахсларининг савдо ваколатхонаси раҳбари ҳар йили бир марта аккредитация қилувчи ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига белгиланган шаклда ўз фаолияти тўғрисида ахборот беради. Таъкидлаш жоизки, ушбу ахборот мантиқан олиб қараганда ҳисоботга тенглаштирилади. Шу нуқтаи назардан, амалиётда мазкур ахборотни тақдим этиш бўйича намунавий шакллар ишлаб чиқилган. Бироқ, шу билан бирга қайд қилиш лозимки, Низомда ушбу ахборотда қандай маълумотлар кўрсатилиши лозимлиги тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма мавжуд эмас. Бу эса ваколатхоналар томонидан ўзининг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай маълумотни ахборот сифатида тақдим этилишига ёхуд аксинча, аккредитация қилувчи ваколатли орган томонидан ваколатхона фаолиятига тааллуқли ҳар қандай маълумотни ахборот сифатида тақдим этилишини талаб қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Шу маънода, бизнинг фикримизча, Низомда чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ахборотда қандай маълумотлар кўрсатилиши лозимлиги ҳақида тавсиявий кўрсатмалар белгиланиши лозим.

Хорижий мамлакатлар амалиётида ҳам шундай тартиб ўрнатилганлигини кузатиш мумкин, хусусан, Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашининг “Хорижий ташкилотларнинг Беларусь Республикасидаги ваколатхоналарини очиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низоми 18-банди талабига кўра ваколатхона раҳбари ярим йилда бир марта Беларусь Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ваколатхона фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим қилиши шарт. Ушбу ҳисоботда ваколатхона жойлашган жой, ходимларнинг штат жадвали, банкларда очилган ҳисобрақамлар, амалга оширилган лойиҳалар ва дастурлар, уларнинг бажарилиш муддатлари ва манбалари, ҳомийлик ҳисобидан ажратилган маблағлар, ўтган давр мобайнидаги фаолиятнинг

қисқача мазмуни, алоқа воситаларининг сўнгги манзиллари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июльдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида” ПФ-4453-сон Фармонининг 5-банди талабига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига 2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилишини, шунингдек, 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шакллари жорий этилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Таъкидлаш жоизки, республикамызда мазкур вазифанинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича “Электрон ҳукумат” тизимини яратиш доирасида кенг қўламдаги ишлар бажарилмоқда. Унга кўра давлат органлари томонидан рухсат бериш, рўйхатга қўйиш каби тартиботларни ҳам электрон шаклга ўтказиш кўзда тутилади.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ҳамда уларнинг хориждан жалб қилинадиган ходимларини аккредитация қилишнинг электрон тизимини яратиш айна пайтда чет эл савдо ваколатхоналарининг фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бевосита тааллуқлидир.

Шу билан бирга хорижий мамлакатлар амалиётида, хусусан, Европа Иттифоқи таркибига кирувчи давлатларнинг барчасида чет эл юридик шахсларининг филиаллари ва ваколатхоналари, шунингдек чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатига қўйишнинг PSC – the Points of Single Contact (ягона алоқа дарчалари) электрон тизими жорий қилинган.

PSC – Европанинг ўттиз битта давлати доирасида амал қилувчи электрон ҳукумат портали бўлиб (<http://www.ec.europa.eu>), унинг ёрдамида рўйхатга қўйишга оид қонунчилик билан танишиш ва бевосита рўйхатга қўйиш ва аккредитация қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш мумкин.

III боб бўйича хулоса

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслар савдо ваколатхоналари фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий масалалари юзасидан, миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ қилган ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган айрим қоидалар жуда умумий хусусиятга эга бўлиб, уларга аниқлик киритиш, янги қоидалар билан тўлдириш лозим.

Бу борада, чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари фаолиятини такомиллаштиришда “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низомнинг баъзи қоидалари бугунги кун талаби жиҳатидан янгиланиши лозим.

Жумладан:

- савдо ваколатхоналарининг фаолиятини кенгайтирган ҳолда уларга тижорат фаолияти билан шуғулланиш имкониятини яратиш;
- савдо ваколатхоналарини солиқ органларида рўйхатга қўйиш тизимини соддалаштириш;
- савдо ваколатхоналарини аккредитация қилиш жараёнида тақдим этиладиган маълумотларга муайян аниқлик киритиш;
- савдо ваколатхоналари томонидан ўз фаолияти юзасидан тақдим этиладиган ахборотнинг мазмунини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

“Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низомнинг ўзбек тилидаги матнини қонунчилик техникаси талабларидан келиб қичиб, тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ҳамда уларнинг хориждан жалб қилинадиган ходимларини аккредитация қилишнинг электрон тизимини яратиш мақсадга мувофиқ.

Аксарият ривожланган хорижий мамлакатлар (Сингапур, Япония, Германия, Франция, Россия) қонунчилигида чет эл тижоратчи ташкилотлар томонидан ўз фаолиятини ташкил қилишда алоҳида таркибий бўлинма сифатида хорижий юридик шахснинг филиалини очишни назарда тутувчи ҳуқуқий нормалар мавжуд.

Айрим хорижий мамлакатлар (Сингапур, Германия) қонунчилиги ва амалиётидаги мавжуд чекловлар туфайли чет эл тижоратчи ташкилотлар томонидан ўз фаолиятини филиал орқали амалга оширишга нисбатан, янги юридик шахс тузган ҳолда амалга ошириш қулайроқ танлов ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида чет эл тижоратчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз филиалини ташкил қилишни назарда тутувчи ҳуқуқий норма мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурулиш, туризм ва бошқа ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларида хорижий юридик шахслар томонидан ўз филиалларини ташкил қилган ҳолда фаолият кўрсатиш хорижий юридик шахслар учун қулай ҳисобланади.

ХУЛОСА

Чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналарининг ташқи савдо-иқтисодий фаолият тизимидаги ҳуқуқий мақомини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш уларнинг фаолияти айнан мазкур соҳада амалга оширилиши ва уларнинг ҳуқуқий мақоми айнан мазкур соҳа, яъни ташқи савдо-иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда намоён бўлиши туфайли муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Шу тариқа биз бажарилган мазкур тадқиқот давомида тўпланган илмий-назарий ва амалий материалларни таҳлил қилиш ва уларни умумлаштириш натижасида қуйидаги асосий хулоса ва таклифлар тўғрисида ягона тўхтамга келдик:

1. Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятининг асосий йўналиши савдо соҳасига ихтисослашган хорижий тижорат ташкилотлари – турли хил фирма, компаниялар томонидан чет мамлакат ҳудудида очиладиган ваколатхоналар ўзининг номланишида асосий ташкилот номи билан биргаликда “савдо ваколатхонаси” сўзларини ҳам ифода этиши мақсадга мувофиқдир.

2. “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринда Низом)га хорижий тижорат юридик шахсларнинг ваколатхоналари асосий ташкилотнинг номидан ва унинг кўрсатмаларига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкин деган мазмундаги янги қоида киритиш мақсадга мувофиқ.

3. Низомнинг 10-бандида белгиланган ваколатхонани очиш тўғрисида бериладиган аризада кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар ичида ваколатхонани очишдан кўзланган асосий мақсад ҳам қисқача баён қилиниши лозимлигини назарда тутувчи тегишли ўзгартиш киритиш керак.

4. Низомнинг 11-бандида келтирилган хорижий юридик шахс томонидан ваколатхона очиш тўғрисида бериладиган аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига хорижий юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасида ўзининг ваколатхонасини очиш тўғрисида қабул қилган қарорини ҳам киритиш лозим.

5. Низомнинг 5- ҳамда 18-бандларига тегишли ўзгартишлар киритиш орқали савдо ваколатхонасини солиқ органларида ҳисобга қўйиш вазифасини ваколатхонанинг ўзи томонидан бажариш тартибини бекор қилган ҳолда, мазкур вазифани солиқ органининг ўзида, аккредитация қилувчи орган томонидан бериладиган янги аккредитация қилинган ваколатхона тўғрисидаги маълумот асосида амалга ошириш тартибини жорий қилиш зарур.

6. Низомнинг 24-бандига ўзгартиш киритиш орқали хорижий тижорат юридик шахслари ваколатхоналари томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ахборотда қандай маълумотлар кўрсатилиши лозимлиги ҳақида тавсиявий кўрсатмалар белгиланиши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июльдаги ПФ-4453-сон Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, интерактив хизматлар кўрсатиш "Электрон ҳукумат" тизими доирасида чет эл юридик шахслари савдо ваколатхоналари ҳамда уларнинг хориждан жалб қилинадиган ходимларини аккредитация қилишнинг электрон тизимини яратиш лозим.

8. "Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида"ги Низомнинг ўзбек тилидаги матнида айрим ғализ тушунчалар мавжудлиги ва баён этиш услубининг бугунги кундаги замонавий қонун ижодкорлик амалиёти нуқтаи назаридан эскирганлиги туфайли уни қонунчилик техникаси талабларидан келиб қичиб, тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон”. 2013 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. “Адолат”. 2013 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. “Адолат”. 2010 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида “Савдо ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида”ги Битим. 2011 й. 5 май. // Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2011 й., 3-4-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 26 май. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 26 апрель. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни. 2001 йил 6 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 16 июльдаги ПФ-4453-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон, 163-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий тижорат ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2000 йил 23 октябрь. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 8-сон, 127-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2002 йил 26 ноябрь. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2002 й. 22-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ваколатхонасини очиш тўғрисида”ги Қарори. 2000 йил 24 июнь. // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. 2000й. № 6. 29-модда.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2011 йил 17 ноябрь. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 47-сон, 489-модда.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида”ги Қарори. 1993 йил 19 август. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 561-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 05.09.1998 231-сон Қарори билан тасдиқланган “Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. 1998 йил 5 сентябрь.
18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг “Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритилиши тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. 1998 йил 5 сентябрь.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2008 йил 22 ноябрь. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 535-модда.
20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 16 март. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 18-сон, 229-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. - 47 б
2. И.А.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. - Ж.16. 357 б.
3. И.А.Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. - Ж.17. 280 б.
4. И.А.Каримов. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. - Ж.18. 264 б.
5. И.А.Каримов. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. - Ж.19. 348 б.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Гулямов С.С. “Халқаро савдо ҳуқуқи”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 327 бет.
2. “Халқаро хусусий ҳуқуқ”. Олий ўқув юртлари учун дарслик. //Ҳ.Р.Раҳмонқулов умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 488 бет.
3. Беляева О.А. Предпринимательское право: Учебное пособие. 2-е изд., М.: КОНТРАКТ, ИНФРА-М, 2009. ст. 24

4. Кретов И.И., Садченко К.В. Внешнеторговое дело. Учебное пособие. // Дело и Сервис. - М., 2006. С. 44.
5. Тигиев З.Э. “Правовое положение торгового представительства по законодательству Российской Федерации”. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2012.
6. Сумской Д.А. Гражданско-правовое положение органа юридического лица: Монография. - М., 2007. - С. 49 - 64.
7. Государство как субъект правоотношений. Слепнев А.В. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.: 2009

Илмий журналлардаги мақолалар:

1. Эрделевский А.М. Гражданско-правовой статус филиалов и представительств // СПС "Консультант Плюс".
2. Тюкавкин-Плотников А.А. Обособленные подразделения юридического лица // Предпринимательское право, № 2, 2007.
3. Мыскин А.В. Гражданско-правовой статус представительств юридических лиц. // Нотариус. 2010. №1. С. 18-20
4. Тигиев З.Э. Структура правоотношений между торговым представительством и представляемым // Юриспруденция, № 5 (21), 2010. – 0,3 п.л.
5. Тигиев З.Э. Правовые аспекты деятельности торговых представительств // Менеджмент и право, № 4, 2010. – 0,3 п.л.
6. Тигиев З.Э. К вопросу о соотношении торгового представительства и посредничества // Торговое право. Торговое дело, № 1, 2012. – 0,3 п.л.
7. Элементарные начала общей теории права: учеб. пособие для вузов // под общей ред. д-ра юрид. наук, проф. В. И. Червонюка. — Право и закон, М.: КолосС, 2003. — 544 с

Қўшимча адабиётлар:

1. Britannica. Большой энциклопедический словарь. Издательство: АСТ, Астрель. 2009.
2. Cambridge Business English Dictionary. “Cambridge University Press”, 2011.
3. Robert L. Barker. The Social Work Dictionary. National Association of Social Workers, NASW Press, 2003.

4. Большой энциклопедический экономико-юридический словарь. Казань.: Изд-во "Таглитат" Института экономики, управления и права, 2006. - 1268с.
5. Право международной торговли: Словарь-справочник. // В.Н.Додонов, Н.Г.Доронина, В.Е.Крутских // Под ред. Б.И.Пугинского - М.: СЛАВИЯ, 1997. - 304с.
6. Лозовский Л.Ш., Райзберг Б.А. Словарь по экономике и праву. М.: Омега, 1999. - 608с.
7. Большой юридический словарь. А. Я. Сухарев, В.Е. Крутский. – М.: Инфра - М. 2003.
8. Пояснительная записка. Проект ПРООН “Поддержка системы местного управления: гражданское участие и партнерство”. Авторский коллектив: Базаров А., Алимов С., Норов Х.
9. Франциянинг Савдо кодекси. Journal officiel de la République française of 27 March 2004.// www.legifrance.gouv.fr
10. Федеральный закон "Об иностранных инвестициях в Российской Федерации" от 09.07.1999 N 160-ФЗ (ред. от 03.02.2014).
11. Россия Федерацияси Хукуматининг 2005 й. 27 июнь № 401 сон Қарори билан тасдиқланган “Россия Федерациясининг жорижий давлатдаги савдо ваколатхонаси тўғрисида”ги Низом
12. Постановление Совета Министров Республики Беларусь от 22 июля 1997 г. n 929 о Порядке открытия и деятельности в Республике Беларусь представительств иностранных организаций // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь 21 августа 2001 г. N 5/7253.
13. Положение “О порядке аккредитации филиалов и представительств иностранных юридических лиц, создаваемых на территории Российской Федерации”(утв. Минюстом РФ 31 декабря 1999 г). //Документ официально не опубликован / СПС Консультант Плюс.
14. Государственный стандарт РФ ГОСТ Р 51303-99 «Торговля. Термины и определения», утвержден Постановлением Госстандарта России от 11.08.1999 г. № 242-ст // М., ИПК Издательство стандартов, 1999
15. Япониянинг “Хўжалик жамиятлари тўғрисида”ги Қонуни
16. Сингапур Республикасининг “Хўжалик жамиятлари тўғрисида”ги Қонуни.

Интернет сайтлари:

1. <http://www.japanlaw.info> (Япон қонунлари электрон сайти)
2. <http://www.kcpartnership.com> (Kelvin Chia Partnership. Сингапур адвокатлик фирмаси).
3. <http://www.es.europa.eu> (Европа Иттифоқи ҳукумат портали).
4. <http://www.cgerli.org> (Германия ҳуқуқий ахборот маркази).
5. <http://www.legifrance.gouv.fr> (Франция қонун ҳужжатларининг ношир ҳукумат ташкилоти).